

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАБИИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**5440500 - «География» таълим йўналиши  
07.437-гуруҳ битирувчиси**

**Валиева Гулбаҳорнинг**

**"XV асрда олиб борилган тарихий географик  
тадқиқотлар ва уларнинг натижалари" мавзусидаги**

# **БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: география фанлари  
номзоди, доцент У.Обидов**

Фарғона - 2011

Битирув малакавий иш кафедранинг 2011 йил 11 майдаги 9 А – сонли  
йиғилишида муҳокама қилинган ва химояга тавсия этилган

Кафедра мудир: О.Абдуғаниев, география фанлари номзоди.

Такризчи: А.Салмонов, тарих фанлари номзоди.

## КИРИШ.

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўрта Осиё табиатининг жуда узоқ давом этган ва мазмунан бой географик тадқиқотлар тарихини, тарихчи-географ профессор Ҳ.Ҳасанов қуйидаги етти даврга бўлишни ўз асарида баён этилган (Ўрта Осиёлик географ ва сайёҳлар. Т., 1964. 8-бет).

**Биринчи давр** - IX-X асрлардаги Ўрта Осиё география фанининг туғулиш даври, Муҳаммад Мусо Ҳоразмий – балхӣ география мактабидир. Муаллифи номаълум бўлган “Ҳудуд-ул-олам” сарловҳали қўлғезмани ҳам шу даврнинг энг охири асари деб ҳисоблаш мумкин.

**Иккинчи давр** – асосан XI асрга тўғри келади, қисман XII-XIII асргача давом этган, бу Беруний география мактабидир. Бу даврда Беруний таъсирида Ибин Сино, Носир Хисрав, Маҳмуд Қошғарийлар ижод қилганлар.

**Учинчи давр** – бутун XV аср давомида иш қўрган Самарқанд, Хирот географлари мактабидир. Яъни Ҳофизу Абру, Гиёсиддин Наққош, Улуғбек, Али Қушчи, Абдураззоқ Самарқандийлар.

**Тўртинчи давр** – XVI асрнинг боши ва ўртасига тўғри келади, бунда Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ҳайдар Мирзо ва уларнинг замонавийлари талай қимматбаҳо асарлар ёздилар.

**Бешинчи давр** – XVI-XVII аср Ўрта Осиё географияси (Балх географлари мактаби, Гиждивоний, Ўтамиш Хожи).

**Олтинчи давр** – XVIII аср охири ва XIX аср охирида юз берган саёҳатлар, саёҳатномалар даври бўлиб, икки босқичдан иборат, XVIII аср охири ва XIX асрнинг биринчи ярми, ҳамда XIX асрнинг 70-йилларидан то охиригача ва XX аср бошлари – яъни Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олишидан кейинги тузилган янгича географик оқим давридир. XVIII аср охири ва XIX асрда Хоразмлик Мусо Мунис, Байоний ва Огаҳий, Фарғоналик Ҳакимжонтўра, Бухоролик Аҳмад Дониш, Хўжандлик Хожи Юсуф, Мирзо Сирожиддин, Шайх Сулаймон Бухорий, Фурқат ва бошқаларнинг фаолияти

кўзга яққол ташланади, XX аср бошларидаги баъзи саёҳатлар ва географик асарларни ҳам шунга қўшиб кетиш лозим бўлади.

**Еттинчи давр** – Ўрта Осиёда ҳам мазмуни, ҳам шакли, ҳам мақсади жихатидан янгича бўлган географик фаолият давридир. Бу даврни бир неча босқичларга бўлиш мумкин.

**Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари.** Албатта, юқорида “етти давр” деб аталгани бирмунча шартлидир. Аммо шу “етти давр” ларни бир-бирига қўшиб юбориш ҳам мумкин. Чунки улар бир-бирига уланиб кетган. Кўриниб турибдики Ўрта осие география фанининг таракқиёт тарихи бир минг бир юз йилга яқиндир. Биз шу узок географик таракқиёт тарихининг фақат XV асрда олиб борилган географик тадқиқотлар ва атоқли алломаларини ва уларнинг энг йирик асарларини ёритишни ушбу битирув-малакавий иш ёритишга ҳаракат қилдик холос. Демак, бизнинг битирув-малакавий ишимиз Ўрта Осиёлик олимларнинг Ўрта осие табиатини географик тадқиқотлари ва уларнинг натижалари ҳақидаги бир шингил холос. Бу мавзуга бағишланган ва илмий аҳамиятини йўқотмаган илк йирик манбаалардан бири геология ва георафия касаллиги И.В.Мушкетовнинг “Туркистон” (1915 й.) асаридир. Бу асарда Ўрта Осиёнинг асримиз бошигача бўлган геологик – географик тадқиқотлар тарихи берилган. Ўлкамизнинг таниқли тадқиқотчилари Ўрта Осиё табиий географияси тарихи билан маҳсус шуғулланган тарихчи – географлар Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, А.А.Азатьян, Р.Л.Югай С.У.Умурзақов, Р.У.Раҳимбеков, З.Н.Донцова, И.Иноғомов, А.М.Очилов, У.Обидовлар томонидан тадқиқ қилинган.

**Битирув малакавий ишнинг асосий мазмуни** Ўрта Осиё табиий географияси тадқиқотлар тарихини билмай туриб, ўлкамиз географиясининг асосий мазмунини, унинг асосий ютуқлари ва айрим камчиликларини ўлкамизга оид муҳим регионал масалаларни ва келгусида ҳал қилиниши лозим бўлган актуал масалаларни тушуниб олиш қийин. Ушбу иш ўрта мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талабалари ва география ўқитувчиларига

“Ўзбекистон табиий географияси” (7-синф), “Ўрта Осиё табиий географияси” курслари учун ҳам ўқув материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мазкур битирув малакавий иш Фарғона давлат университетининг география кафедрасида университетнинг профессор-ўқитувчи ва талабалар, магистрлар ҳамда стажёр-тадқиқотчиларнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик» йилига бағишланган 61-илмий-амалий анжуманида маъруза қилинган. География кафедрасида 2011 йил 11 майда битирув малакавий ишларнинг дастлабки муҳокамасидан ўтган ва ҳимояга тавсия қилинган.

**БМИнинг таркибий қисми:** Кириш, 2 боб, 12 бўлим хулоса ва 4 та карта - схемалардан ҳамда фойдаланилган адабиётлардан иборатдир. Унинг умумий ҳажми 59 бетдан ташкил топган.

## **I-БОБ. XV АСР ГЕОГРАФИК БИЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР.**

### **1.1. Даврнинг қисқача умумий ижтимоий тарихий тавсифи.**

XV асрнинг биринчи ярмида сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихида энг мураккаб, энг ёрқин ва энг кўп географик билим ва тадқиқотлар давридир. Бу ўрта аср охиридаги уйғониш даври, эканомика ва мадият, савдо сотиқ ва дипломатик муносабатлар, қурилиш ва фан юксалган давр бўлди. Амир Темур давлатининг бир (жанубий) қисми Хуросон (пойтахти Хирот) бўлиб, Темурнинг ўғли Шохрух бошқарар эди. Иккинчи (шимолий) қисми – Мовароуннахр (пойтахти Самарқанд) Темурнинг набираси, Шохрухнинг ўғли Улуғбек (асли исми Муҳаммад Тарағай) тасарруфида эди.

Шу билан бирга, фанимиз тарихида, хусусан география ва саёхатлар тарихида ҳам бу давр жуда ёрқин ва фахрланишга арзийдиган воқеалар билан бойдир. Жумладан, шу даврда:

- 1). Абдураззақ Самарқандий – Ҳиндистонга элчи бўлиб бориб келган.
- 2). Улуғбек расатхонасида зиж тузилди.
- 3). Али Қушчи астраномлиги ва сайёхлиги билан шуҳрат қозонди.
- 4). Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг ўлмас шох асари “Бобурнома”ни яратди.
- 5). Муҳаммад Хайдар Мирзанинг “Тарихи рашидий” асари географияга оид қимматбаҳо географик тарихий манбалардир.

Булардан ташқари география ва фан тарихи учун аҳамиятли бўлган бир канча ишлар қилинди (Марко Полони саёхати шу вақтга тўғри келади). Шуниси ҳам муҳимки, бу географик воқеалар ва билимлар ҳаммаси бир – бирига боғлиқ, бир – бирини давоми бўлади. Ҳаммасининг асарлари ва географик тадқиқотлар – XV аср ва XVI аср бошидаги олимларимизнинг, географик тадқиқотчиларимизнинг асарлари бошқа давр географик тадқиқотларга замин бўлган. Хуллас XV аср географияси – бутун осие куруқлиги фанининг тарихида алоҳида бир давр бўла олади.

## 1.2. Абдураззак Самарқандий (1413-1482 йй.)

**Абдураззак Самарқандий** (тўла исми Камоллудин Абдураззоқ) отаси самарқандлик Камолуддин Исоқ Самарқандийдир. Исоқ Самарқандий, Хиротда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ хизматида бўлган.

Абдураззоқ Самарқандий 1413 йил Хиротда туғилган ва Самарқандда узоқ вақт яшаган. У ўз даврининг ўқимишли, билимдони бўлгани учун Шохруҳ уни Ҳиндистонга ва Гилонга (Ғилон Каспий денгиз атрофида жойлашган мамлакат бўлса керак) элчи қилиб юборган.

Абдураззоқ Самарқандий элчи сифатида бўлган мамлакатларни аҳолиси ва шаҳарлари ҳақида: «Икки соатли юлдузнинг болқиши ва икки денгизнинг қўшилиши», «Матла-ал-саъдайн ва мажма ал-бахрайн» каби тарихий саёхатнома асарлар ёзган. Биринчи асарда Хиротдан Ҳиндистонгача бўлган: Озарбайжон, Ироқ, Хурмуз, Уммон денгиз (Арабистон денгизи) Арабистон ва Ҳиндистондаги бир қатор ва мамлакатларни жойлашган ўрни, иқлими, урф-одати, хўжалиги, савдо-сотик ишлари тўғрисида ажойиб муҳим тарихий маълумотлар берган. Масалан, у сафари ҳақида: Мен Ҳинд тарафига тайинландим... Кухистон йўли билан чиқиб, биёбоннинг ўртасидаги шаҳарга ўхшаш Кирмон деган бир жойга етдим... Бу биёбондан Макрон чегарасигача бўлган масофа хавф туғдирувчилар, Кирмон шаҳри жуда яхши олижаноб бир шаҳар, тонг роҳат бағишловчи жой экан.

Сўнг Хурмузга томон йўл олиб, ойнинг ўртасида Уммон денгизи соҳилидаги Хурмиз бандарига (портига) етиб келдим.

Хурмиз шаҳрини Жарун ҳам дейилади. Бу денгиз ўртасидаги жойлашган порт бўлиб, Рим, Миср, Моварауннаҳр, Озарбайжон, Хуросон, Ироқ ва Шарқ мамлакатларидан Чин (Хитой), Хонбалиқ (Пекин) денгиз соҳилларидаги Гулбарга, Гужараот, Арабистон соҳилларидаги Адан, Жилда, Янбу шаҳарларидан савдогарлар келишини ёзган.

Абдураззоқ Самарқандий Хурудан Калхатга келганда у билан саёхатда юрган акаси Абдулвахоб бетоб бўлиб, вафот этади. Абдураззоқнинг ўзи ҳам қаттиқ хасталаниб, Ҳиндистонга борадиган кемага чиқиб 18 кун йўл

юриб, Каликутта портига етиб келган. Абдураззоқдан 56 йил кейин Португалия сайёҳи Васков ва Гама шу портга келган. Абдураззоқ Коликутадан Мангалур, Билул, Бижанагарда, ундан Хурмузга ва Кирмон орқали уч йилдан сўнг Хиротга қайтиб келган.

Абдураззоқ Самарқандийдан 27 йил кейин (1466-1472 йиллар) Жанубий Ҳиндистонга рус савдогари Афанасий Никитин келган ва ўзини Хўжа Юсуф Хуросоний бўламан деб танитган.

Абдураззоқ Самарқандийнинг юқоридаги ўзи бўлган мамлакатлар, шаҳарларга берган таърифи кейинги географик билимлар ривожига қўшган катта ҳисса бўлди.

### **1.3. Мирзо Улуғбек (1394-1449 йй.)**

**Улуғбек (1394-1449 йй)** бобоси Темурнинг ҳарбий юришларида Султония (Эрон)да туғилган. Унга Муҳаммад Тарағай деб ном қўйилган. Сарой аҳли уни Улуғбек деб атай бошлаганлар.

Улуғбек Мовароуннаҳрда 40 йил (1409-1449й) подшолик қилди. Аммо у Мовароуннаҳрни сиёсий ишлари билан бирга шаҳар қурилиши ва илмий ишларга ҳам катта эътибор берган.

Улуғбек грек олимларидан Платон, Аристотелр, Гиппарх, Птоломейларнинг ва ўз ватандошлари Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий каби олимларнинг асарларини ўрганиб, у кўп илмий асарлар ёзган, жаҳонга олим сифатида машҳур бўлган. Уни фан тарихидаги шоҳ асаридан бири “Зижи Улуғбек”, “Зижи жаид Кўрагоний”дир. Бу асарда юлдузлар жадвали билан бирга ер юзасидаги шаҳарларнинг географик координаталари аниқланган.

Улуғбекнинг ҳисоблашича, Самарқанд шаҳрининг географик узунлиги  $90^{\circ}$  га тенг бўлган (ҳозирги ҳисобда тахминан  $67^{\circ}$ ) Бухоро шаҳрининг географик узунлиги  $97^{\circ}30'$  га тенг. Хўжанд шаҳрининг узунлиги  $100^{\circ}35'$  га тенг, Ўш шаҳрининг узунлиги  $102^{\circ}20'$  га тенг эканлигини ёзган.



#### 1.4. Али Қушчи (1403-1474 йй.)

Али Қушчининг тўлиқ исми Аловуддин Али ибн Муҳаммад Самарқандий. Тахаллуси Али Қушчи - 1402 йилда туғилган (унинг отаси temuрийлар авлодидан)ёшлик йиллари Самарқандда ўтган. У Улуғбекнинг саройида қарчиғай қушлар боққанлиги учун «Қушчи» деб аташган.

Али Қушчи Улуғбек билан бирга Самарқанд обсерваториясида астрономик ва географик тадқиқотлар олиб борган. У Улуғбек бошлаган «Зижи Кўрагоний» асарини давом эттирган. Тахрир қилиб чоп қилган.


Али Қушчининг географияга оид маълумотлари унинг «Астрономияга оид рисола» асарида учрайди.

У асарида Ер кура (шар) шаклида, атрофини сув қоплаган, деган маълумотлар берган. Бу асарнинг иқлимларга оид қисмида дунё харитаси ҳам чизилган.

Бу харитада шимолий ярим шар кўндаланг чизиқлар билан иқлимларга ажратилиб кўрсатилган. Ер тўртта чоракка иккита шимолий ва иккита жанубий чоракка бўлинишини ёзган ва харитада тасвирлаган. Экваторнинг шарқий ярим шаридаги узунлиги тахминан 20 минг км. («3332 фарсанг») тенг деб тўғри аниқланган.

Али Қушчи Ер шари айланиши экватор узунлигини, Ой ва Қуёш тутилиши тўғрисида ёзганлиги билан география фан тарихи ривожига катта ҳисса қўшган.

Хуллас IX-XV аср ўлкамизда туғилиб ижод қилган сайёҳ ва географик олимларимиз Ер билими, дунё мамлакат ва шаҳарларнинг географик ўрни, табиати, тоғлари, текисликлари, иқлими, сув хавзалари, ўсимлик ва ҳайвототлар дунёси, хўжалиги, савдо алоқалари, аҳолиси, йўллари ва уларнинг масофалари тўғрисидаги маълумотлари билан ҳозирги замон географиясига ўз ҳиссаларини қўшганлар.



Али Қушчи тузган дунё картаси

### 1.5. Захириддин Муҳаммад Бобур

З.М.Бобур (1483-1530 йй) Темурий ҳукмдорларининг Ўрта Осиёдаги сўнгги вакили Андижон шаҳрида туғилган. Отаси Умар Шайх вафот этгач, у 12 ёшида Фарғона вилояти ҳокими бўлган, жасур ва довюраклиги учун “Бобур” (шер) лақабини олган ёш ҳоким тез орада Ўрта Осиёнинг пойтахти бўлган самарқанд шаҳрини эгаллаш ҳамда ўлкада марказлашган кучли давлат тузиш мақсадида бир неча йил давом этган гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз, гоҳ ғолибона жанглардан кейин, 1500 йил Самарқандга бостириб келган Шайбонийхон билан бўлган жангда енгилди. Бир қиём лашкарлари билан 1504 йил Афғонистон мамлакатига кириб боради. Қисқа вақт давомида Афғонистондаги қабилаларни ўзига бўйсундириб, 1508 йил пойтахти Қобул бўлган мустақил давлат тузади. 1510 йил Эрон шоҳи Исмоил Сафавий билан бирга шайбонийларга қарши юриш қилиб, Самарқандни эгаллайди. Аммо 1512 йил шайбонийлар билан бўлган жангда

Бобур армияси енгилди ва Қобулга келиб, бу ерда 1526 йилгача подшолик қилади. Бобур йирик давлат тузиш мақсадида 1522 йил Қандахорни эгаллайди ва бу ердан Ҳиндистонга бир неча марта хужум қилиб, ниҳоят 1526 йил Ҳиндистон подшоси Иброҳим Лудийни енгади ва Бобур Ҳиндистоннинг тарихида “Буюк мўғуллар империяси” деб ном олган Бобурийлар империясига асос солди ва Агра шаҳрини пойтахтга айлантирди. Шу шаҳарда Бобур вафот этган. Унинг жасади Қобул шаҳридаги “Боғи Бобур”га қўйилган.

Шундай қилиб, тақдир тақазоси билан Бобур Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистоннинг жуда кўп жойларида бўлган. Унинг фан ва маданиятга бўлган қизиқиши бу ҳудудларнинг тарихий географияси ва бошқа соҳаларига оид кўп маълумотлар тўплаб, асарлар ёзиб қолдирган.

Бобурнинг энг йирик асари “Бобурнома” деб аталади. “Бобурнома” Ўзбекистон, Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон мамлакатларининг табиий-географик жойланиши, ўсимликлари, ҳайвонот дунёси ҳақидаги биогеографик асардир. Унда Бобур ҳар бир жойнинг характерли хусусиятлари, ўсимликлари ва у ерда тарқалган ҳайвонот дунёсининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида аниқ ва мукамал маълумотларни баён қилади.

Фарғона вилояти бешинчи иқлимдадир.

Маъмуранинг канарасида яъни Мовароуннахрнинг чеккасида воқе бўлибтур. Шарқи Қошғар, ғарби Самарқанд, жануби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида “Олмалиқ ва Олмату каби шаҳарлар бор. Аммо улар мўғуллар билан ўзбеклар урушида бузулубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар (кичик) вилояттур, ошлик ва меваси фаравон. Гирдо-гирдо тоғ воқе бўлибтур. Сайхун дарёси ким шарқ ва шимолий тарафидан келиб, бу вилоятнинг ичи бирла ўтиб, ғарби сари оқар. Хўжанднинг шимол ўтиб яна шимолга

мойил килиб, Туркистон сари борур. Туркистондин кейли куйироқда бу дарё тамомқумға сингор, ҳеч дарёға қотилмас.

Андижон Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Эли туркдур. Шаҳар ва бозорасида турки билмас киши йўқтур.

Хуллас, “Бобурнома”да Фарғона вилоятининг географияси – Ўрта Осиёда тутган ўрни катталиги, аҳолиси, рельефи яъни атрофи тоғлар билан ўралганлиги, ўсимлик ва ҳайвонлари шу қадар мукамал баён қилинганки, ҳатто ундан ҳозирги географияга оид маълумотлар сифатида фойдаланиш мумкин.

“Бобурнома”даги географик тасвир, ундан олдинги кўплаб манбалардагига нисбатан анча тўғри, мукамал ва асосли эканлиги билан диққатга сазовордир. Бунга сабаб асар муаллифи географик объект ва ҳодисаларни ўзи кўриб, тасвирлаган.

“Бобурнома”даги географик тасвирлар ҳақида жуда кўп мулоҳаза юритиб, кўпгина диққатга сазовор мисолларни яна келтириш мумкин.

Тошкент – ошлиқлари мўл. Қирғовуллари кўп ва хўб мўлдир. Андижон – илвасини мўл. Ўшнинг гуллари турли хил кўкатлари мўл. Бу ерда арғувон ўсади. Марғилонда кийик барча ерда учрайди. Хўжанднинг илони кўп, ёввойи паррандалари, кийик, оҳуси мўл. Овга ярайдиган қушлардан қирғовул кўп учрайди. Безгак кўп, айниқса, аҳоли кузда кўп оғрийди, жойлари ботқоқ ва нам.

Самарқандда совуқ қаттиқ. Бухорода илвасини мўл. Қаршини баҳори юмшоқ.

Афғонистон – Қобул атрофида қишда қор мўл тушади, жанубда қор мутлақо бўлмайди. Афғонистон ўрмонларида юнг қанот, товушқон; тоғларида эса каклик мўл. Какликлар қорда кўп учмай, қорга учмай беркинади. Бу ерда лола мўл.

Ҳисор, Самарқанд, Бухоро ва Мўғулистонда арчали бўлиб, молга емиш бўладиган ўтлардан энг мақбули бутадир. Ўрмонзорларида арча, зайтун, чинорлари кўп бўлади.

Ҳайвонларнинг кўпчилиги Ҳиндистон ҳайвонларига ўхшашдир. Улардан товус, тўти ва маймунларни кўрсатиш мумкин. Афғонистон ғарбида кийиклар мўл ва турли хилдир. Агар Ҳиндиқуш тоғлари туман билан қопланса, кўчувчи қушлар тоғдан ошиб ўтолмай қолади. Бундай қушлардан қарқара, турна жуда кўп тутилади. Муаллиф таноб яшаш ва у билан қуш тутиш усулини батафсил ёзади.

Сўнгра Ҳиндистон ўсимликлари устида тўхталиб, у эндемиклар деб кўрсатади. Булардан ёввойи беда, себарға ва хушбўй ўтлар бор.

Ҳиндистон ҳайвоноти ҳам эндемикдир. Бу ерда тоғайли балиқлар мўл бўлиб, бари, этли ва мазалидир. У бир қанча тур балиқ ва сувда, ҳам қуруқликда яшовчи ҳайвонлар батафсил изоҳланган.

Қушлардан товусни изоҳлайди: у турна янглиқ ҳар иккала жинси бошида тожи бўлиб, унда 20-30 парлар мавжуддир, узунлиги 4-5 см дан ошади. Модаси чиройди ва узун думли бўлиб, 1,5 м гача етади. Бўйни кўк, кўркам, танаси хушбичим. У қирғовул сингари уча олмайди. Товуслар Ҳиндистоннинг ўрта ва жанубий қисмида кўп, гўшти мазали.

Энг кўп учрайдиган қушлар тўтилар бўлиб, баъзилари гапга ўргатилади, кўпчилиги тут пишганда барча ерда учрайди. Бу йирик тўти. Ундан кичикроқ тўтилар ҳам кўп, уларни ҳам гапга ўргатса бўлади, беш-олти мингли гала бўлиб яшайди, чанггали тўти деб аталади.

Хуллас, “Бобурнома”да Фарғона вилоятининг географияси – Ўрта Осиёда тутган ўрни, катталиги, рельефи, яъни атрофи тоғлар

билан ўралганлиги фойдали қазилмалари (масалан, феруза конлари) иқлими, сувлари, шаҳарлари ва улар орасидаги масофалар, хўжалигининг характерли жиҳатлари, аҳолиси, машҳур кишилари, ўсимлик ва ҳайвоноти шу қадар батафсил тасвирланганки, ҳатто ундан географияга оид хрестоматия материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Самарқанднинг яйлов ва экинзорларидан сўнг тарихий ва ҳашам бинолари, сўлим боғлари (Боғи Шамо, Боғи Биҳишт ва ҳ.к.). Моварауннахрнинг бошқа шаҳар ва вилоятлари (Бухоро, Кеш – Шаҳрисабз, Қарши, Ғузор ва ҳ.к.) тасвирланган.

Бобур ўзида катта таассурот қолдирган Ҳиндистон, Афғонистон ерларини, ўсимлик ва ҳайвонлари ҳақида батафсил ҳамда завқ-шавқ билан тавсифлайди. “Бобурнома”даги географик тасвирнинг ўзига хослиги ва моҳияти ҳақида қуйидаги мулоҳазалар билан чекланамиз.

“Бобурнома”даги географик тасвир, аввало ундан олдинги кўплаб манбалардагига нисбатан анча тўлиқ, тўғри, мукамал эканлиги билан диққатга сазовор. Бунинг сабаби шуки, асар муаллифи географик объекти ва ҳодисаларни кўпинча ўзи кўриб-билиб, қисман ишончли манбалар асосида тасвирлаган ва фикр юритган.

“Бобурнома” услубий жиҳатдан ҳам маълум афзалликларга эга. Биринчидан, барча вилоят ва шаҳарлар тасвири муайян бир режада, аниқ бир тартибда (географик ўрни, рельефи, шаҳарлари ва ҳ.к.) берилган. Иккинчидан, табиат тасвири билан хўжалик аҳоли ва шаҳарлари бир-бири билан шу қадар узвий боғлиқ ҳолда тасвирланганки, улар орасида узилиш деярли сезилмайди. Учинчидан, “Бобурнома” умуман, тарихий-географик, ўлкашунослик, кенг маънода эса мамлакатшунослик асари сифатида талқин қилиниши мумкин. Бунга асос шуки, муаллиф берган хилма-

хил маълумотлар кўлами жиҳатидан жуда кенг бўлишига қарамай, ҳар бир шаҳар, вилоят ҳамда мамлакатнинг ўзига хос тарихий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва табиий географик жиҳатлари бир бутун ҳолда яққол бўртиб туради. Тўртинчидан, “Бобурнома”да шаҳар ва вилоятларнинг табиий тасвири қиёсий-географик усулида берилган. Масалан, Самарқанд табиати, иқлими Қобул (Ҳиндистон)га таққосланса, Қобулнинг табиати, иқлими Самарқандга қиёсланади. Бу жиҳатдан олим қиёсий-географик, усулни жуда яхши қўллаган. Масалан, Бобур самарқанд иқлими ҳақида “Қиши маҳкам совуқдир, Қори агарчи Қобул қорича тушмас, Ёзлари яхши ҳавоси бор, агарчи қобулча йўқтур”, - деса, Қобул иқлими тўғрисида: “Қобул ҳавосидек ҳаволик ер оламида маълум эмаским бўлғай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас, кишлар агарчи қори аксар улуғ тушар вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам ҳушҳаволикқа машҳурдир, вале мурит совуқлари бордур” деб ёзади.

Бинобарин, олим географик таққослаш усулидан жуда усталик билан фойдалана олган.

Бобурнинг ниҳоятда зийрак географ, кузатувчан табиатшунос эканлигини яна бир мисолда яққол кўринади. У Ҳиндистон билан Афғонистон табиатини ўзаро таққослар экан, улар ўртасидаги жуда катта фарқни яққол кўрсатади. Айни вақтда: кўплаб қушларнинг Ҳиндистонда ҳам, Афғонистонда ҳам тарқалганлигига эътибор беради. Бу қушлар географиясига хос ажойиб хусусият шуки, улар ҳайвонот оламининг энг ҳаракатчан қисми бўлиб, мавсумдан – мавсумга яшаш жойини ўзгартиради. Уларнинг мана шу хусусияти ҳам Бобур назаридан четда қолмаган. “Бобурнома” ўзбек географик атамси ва топонимикаси (ҳатто шаҳарлар микротопонимияси) жиҳатидан катта илмий хазинадир. Бу жиҳатдан “Бобурнома”ни

М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарига таққослаш мумкин холос.

Ниҳоят “Бобурнома”нинг табиий географик аҳамияти ҳақида яна шуни айтиш керакки, асарда табиат гўзалликлари эҳтирос билан битилган сатрлар ўқувчида катта эстетик завқ уйғотади. Табиатни ўрганиш, сезиш ва ардоқлашга даъват этади. Бобурнинг ўзи эса ўлкамизни тасвирлар экан, унинг ҳар бир жойини яхши деб мактайди, табиатига мафтун бўлади, хорижда уни доимо қумсаган.

“Бобурнома”нинг асосий хусусиятларидан яна бири ўлкамиз табиий ресурсларини ўрганишга оид материалларини кенг тадқиқ этишидир. Бобурнинг айтишича, ҳар ўлканинг нуфузи у ернинг табиий бойликлари билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, “Бобурнома”нинг иқтисодий моҳияти ҳам каттадир.

Фарғона водийсининг қазилма бойликлари ҳақида фикр юритар экан. Бобур бу ерда феруза, темир, мис ва бошқа маъданлар олишни кўрсатган. Бу борада Бобур шундай дейди: “Умар шох Мирзонинг замонларида қизил била оқ мажлиқ таш ушбу тоғда пайдо бўлди: Пичоқ дастаси ва таҳбан қилурлар, хейла яхши тошдир”. Шу билан бирга Риштон яқинидаги “Сангги ойна”, “Темурбек тарихи”даги улкан тош ва лак-лак гумбаз ғаройиботларини изоҳлайди.

Бобур Ҳиндистоннинг қазилма бойликлари ҳақида гапириб, бу ерда “олтун, тоғларида эса мис бўладур”.

Ҳиндистонни олганда, деб ёзган эди Бобур “бир машҳур олмос тушди. Бу олмос тамоман оламнинг икки ярим кунлик харжига тенг ёки саккиз мисқолдир” “Қизиғи шундаки, мазкур тарихий олмос ер юзида ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, унинг номи Кўҳинур (кўҳи-тоғ; нор-нур, тоғ нури)дир. У ҳозир Англия қироллиги қимматбаҳо тошлар коллекциясида сақланмоқда. У икки марта қирраланганлигидан 106 каратга (222) тенг бўлиб, ҳануз ўз



жозибадорлиги билан бутун инсониятни ўзига жалб қилиб келмоқда. У Ҳиндистон билан Англия ўртасидаги сиёсатга ҳам алоқадордир.

Бобур ўз асарида бир қанча табиий ҳодисаларни ҳам тасвирлаган бўлиб, шулардан бири зилзиладир. У 1505 йил муҳаррам ойида юз берган зилзила натижасида тоғдан харсангтошлар қўпорилганлигини, улар ўрнидан сув чиққанини, иморатлар вайрон бўлганлигини ва ернинг баъзи жойлари одам белигача чуқурлигида ёрилганини ёзади. Бундай зилзила табиатда тез-тез учраб турадиган ҳодиса деб тушунтирилади.

“Бобурнома” ўз моҳияти билан ўлкамиз тарихи, географияси, табиати, этнографияси ва маданият борасидаги беқиёс манбадир.

Бобур “Бобурнома” асари билан жаҳон маданияти илм-фанини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшди. Бобур ва Бобурийлар ўзларининг 350 йилдан ортиқ ҳукмронлик даврида Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон мамлакатларини йирик бир давлат остига бирлаштиришга ҳаракат қилдилар, бу эса мазкур халқлар тарихини ривожлантиришга қўйилган муҳим оламшумул ҳиссадир.

Бобур Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Афғонистон халқлари, уларнинг этник келиб чиқиши, хусусиятлар, урф-одатлари, тарқалиши, тили, фани ва архитектураси ҳақида тўла-тўқис маълумотлар тўплаган. Муаллиф Ҳиндистон, Афғонистоннинг диққатга сазовор жойларини, табиат манзараларини маҳорат билан ёритади ва уларни она-юрти – Андижон, Фарғона билан таққослайди.

Илм-фан ва санъат тарихида Бобур ва “Бобурнома”нинг аҳаимияти беқиёсдир, шу сабабли ҳам асрлар ўтишига қарамай, Бобур қолдирган мерос ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилмоқда. Жавоҳарлал Нерунинг фикрича, Бобур уйғониш даврининг типик



## 1.6. Муҳаммад Ҳайдар Мирза

Муҳаммад Ҳайдар Мирза Дуғлот 1499 йил Тошкентда туғилган. Унинг онаси Ҳуб Нигорхоним Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхоним тошкентлик Юнусхоннинг кизларидир. Шундай қилиб, Ҳайдар Мирза Бобурга холавачча бўлади. Ҳайдар Мирзанинг отаси – Ҳусайн Кўрагон Тошкент ва Ўратепа ҳокими бўлган, 1508 йилда Шайбонийхоннинг буйруғи билан Ҳиротда қатл қилинган. Шундан кейин ёш Ҳайдарни ҳам ўлдирмоқчи бўлишганда отасининг дўстлари Ҳайдарни Бухородан Қобулга яширинча олиб келиб, Бобурга топширганлар. Шу-шу Ҳайдар Мирза Бобур ёнида бўлган, кейинчалик бошқа қариндошлари билан биргаликда ва мустақил равишда Қашқар, ёркент, Оқсув, Мўғулистон, Тибет, Ҳиндистон, Кашмир ерларида яшаган ва турли вазифаларда ишлаган.

Ҳайдар Мирза Кашмир вилоятини бошқарар экан, айти вақтда, катта илмий ва бадиий ижод билан ҳам шуғулланган. 1541-1547 йиллар кейинчалик, унга катта шуҳрат келтирган, машҳур “Тарихий Рашидий” асарини ёзиб тугатган. Асар икки қисмдан иборат: биринчи қисми – хонлар тарихи, иккинчи қисми - Ҳайдар Мирзанинг кўрган-билган тафсилотлари.

Ҳайдар Мирзанинг фаолияти тўғрисида “Тарихий Рашидий” асарида кўп маълумотлар бор. Бу асарни Ҳайдар Мирза Қашқар ва Ёркент ҳокими Абдурашидхонга (Абдурашидхон ибн Султон Саидхон ибн Юнусхон) бағишлаб ёзган.

Шарқнинг тарихчи ва географлари (амин Розий, Фаришта, Ҳофиз Таниш Бухорий ва бошқалар)нинг ҳамда ҳозирги замон шарқшуносларининг таъкидлашича, бу китобда ниҳоятда тўғри, аниқ ва қизиқарли маълумотлар ёзилган.

Ҳайдар Мирзанинг географик савияси ҳақиқатан кенг бўлган. Унинг “Тарихий Рашидий” асаридан географияга доир хилма-хил маълумотларни топамиз. Асарда XVI асрдаги турли географик тушунчаларга изоҳлар берилган, вилоятларнинг чегаралари ва майдони аниқ рақамлар билан

кўрсатилган, ернинг юзаси, сувлари, ҳайвонот дунёси, аҳолиси, йўллари, савдо-сотиғи баён этилган. Шундай маълумотлардан мисоллар келтирамиз.

Ҳайдар Мирза даврида (XVI асрнинг биринчи ярмида) Ўрта Осиёнинг шимолий-шарқий катта қисми – Етгисув ва Шимолий ҳамда Марказий Тяньшань “Мўғулистон” хонлигига қараган, “Тарихий Рашидий”да Ҳайдар Мирза ўлкамизнинг ана шу қисмини табиат ва аҳолини батафсил тасвирлаган бўлиб, бу асар муҳим географик аҳамиятга эгадир.

Ҳайдар Мирзанинг Тяньшан тоғлари орогидрографияси ҳақидаги тасавури ўзига хос. У Тяньшанни “Мўғулистон тоғлари” деб атади ва бу тоғ системасининг умумий йўналиши ҳамда асосий тармоқлари ҳақида тўғри маълумотлар беради. Ҳайдар Мирза Тяньшан тоғинигина эмас, балки Олой тоғлари, Сарикқўл тизмаси ва Помир орографиясини ҳам анча яхши билган. Гап шундаки, европада бу сатрлар ёзилгандан 300 йил кейин, яъни XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Тяньшан тоғининг йўналиши ва конфигурацияси ҳақида нотўғри маълумотлар сақланар эди. Ҳатто жаҳон географияси классиклари Александр фон Гумбольдт ва К.Рихтгофен XIX асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг шарқий қисмида меридионал йўналишидаги қандайдир “Болор” тизмаси ҳақида ёзганларки, бу ҳақиқатга асло тўғри келмайди. Тяньшан ва умуман Ўрта Осиё тоғларининг тўғри орогидрографик схемаси XIX аср охирларидагина машҳур рус сайёҳи ва географлари П.П.Семёнов – Тяньшанский, И.В.Мушкетов ва Н.А. Северцовлар томонидан мустақил равишда қайта яратилди. Бу ҳол Ўрта Осиёдаги ўрта аср географик тасавурлари билан янги давр географик тасавурлари ўртасида узвий алоқадорлик бўлмаганлигидан далолат беради.

“Тарихий Рашидий” даги жойларнинг иқлими ҳам бирмунча юксак савияда ёзилган. Буни Помир тоғлиги ва Қашқар иқлими таърифидан билиш мумкин. Ҳайдар Мирзанинг ёзишича, Қашқарнинг ёзи жазирама иссиқ, киши эса қаттиқ совуқ (яъни кескин континентал)дир. Ҳавоси соф, латиф, танга даво (шифобахш), бироқ қаттиқ шамол ва шамол турганда чанг ғубори бор.

Қиёсий режада берилган бу таъриф жуда тўғри бўлиб, айти вақтда Қашқар иқлимнинг континенталлиги жиҳатидан Ўрта Осиё иқлимига ўхшашлигини билдиради.

Ўрта Осиё тоғлари ва Еттисувнинг гидрографик тасвири қизиқарли ва мукамал. Асардаги икки катта сув ҳавзаси – Балхаш билан Исикқўл ҳақидаги табиий географик маълумотлар айтиқса диққатга сазовор.

Муаллифнинг ёзишича, Еттисув дарёларининг кўпи “Кўкча денгиз” яъни Балхашга қуйилади. Унинг бу кўл ҳақидаги икки маълумот айтиқса муҳим: биринчиси – Балхашнинг оқимсиз кўл эканлиги, иккинчиси – сувининг чучуклиги. Маълумки, Балхаш кўли ўзига хос географик ажойиботдир, унинг шарқий ярми – шўр, ғарбий кенг қисми эса чучукдир. Ҳайдар Мирзанинг XVI асрда бу кўл сувининг ёппасига чучук дейилиши жуда муҳим факт. 1903 йил махсус экспедиция уюштириб Балхаш кўлини ўрганган атоқли географ Л.С.Берг Балхаш сувининг ғарбий қисмида сув чучук эканлигидан лолд қолган ва хатто ўзига ишонмай, Балхаш сувини анализ қилиш учун Петербургга юборган. Анализлар ҳам бу сувнинг ҳақиқатан жуда тоза ва чучук эканлигини исботлаган. 1930 йил бу кўлни яна чуқур тадқиқ этган Л.С.Берг Балхаш суви яқин тарихий даврларда ҳам ёппасига чучук бўлган, деган гипотезани ўртага ташлади. Ҳайдар Мирзанинг юқоридаги сатрлари эса академик Л.С.Бергнинг бу гипотезаси тўғри эканлигини исботловчи муҳим далилдир.

Ҳайдар Мирза қирғизистондаги Исикқўл бўйларини ҳавас билан кезган ва жуда усталик билан тасвирлаган: шунча сувки, Исикқўлга кирадилар, ҳаммаси ширин ва латифдир. Исикқўлга кирмоқлик билан ул мартабада аччиқ бўладирки, мутлақо таҳорат олғоли бўлмайдир. Агар қатра сув кўзга ё оғизга тегса (ачиш) пайдо бўлади. Аммо ниҳоятда соф, покиза сувдир. Атрофи ниҳоят латофатликдир. Дарахтлар, шукуфалар, гуллар кўпдир. Бағоят хуш-ҳаводир, тоғ-даштларида кийик, ранго-ранг қушлар ва жониворлар тўладир”.

Иссиқкўлга кўпгина дарёлар қуйилгани ҳолда ундан бирорта ҳам дарё оқиб чиқмаслиги яъни “оёғи ҳеч ерга чиқмаслиги” иккинчи мартаба айтилган хулосадир. Ҳолбуки, Иссиқкўлнинг оқар жойини XIX асрда ҳам излаганлар: хатто Чув дарёси шу кўлдан чиқмаётганмикин деб, унинг эски ўзанларини топмоқчи бўлганлар. Ваҳоланки, “Тарихий Рашидий”нинг қуйидаги сатрларида XVI асрнинг ўрталаридаёқ бу муаммо узил-кесил Ҳайдар Мирза томонидан ҳал қилинган.

“Иссиқкўл (гир аторфи) 20 кунли йўлдир. Аммо бу Иссиқкўлнинг оёғи ҳеч ерга чиқмайдир. Чунки тўрт атрофи тоғдир. Шунча сувки, Иссиқкўлга кирадир, ҳаммаси ширин ва латифдир”.

Ҳайдар Мирзанинг бирдан-бир сақланиб қолган “Тарихий Рашидий” асарида Ўрта Осиё шаҳарлари географияси ва топонимикасига оид ҳам жуда қизиқарли маълумотлар бор.

Ҳайдар Мирзанинг асарида Тибет вилояти тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган боблари ҳам диққатга сазовордир.

“Тибет” андоғ жойга тушибдирки, аксари хайоликнинг қадами ул жойга етмабдур. Чунки Тибетнинг йўли мушкул ва қаттиқликда хадди ниҳояти йўқдир. Чорак Тибет йўли батамом аксари тоғлар, хатарнок давонлар, ниҳоят, совуқ суви ва чорва алафи, ўтини ниҳоят оздир. Ул жиҳатдан соҳиби тарихлар Тибетга қадами етмак, Тибет вилоятининг ўзга вилоятга ўхшаш, равшан шарҳ қилмабдирлар.

Тибет вилояти шимоли-ғарбдан жануб-шарққа қараб чўзилган ва у ўз бошидан оёғига 8 ойлик йўлдир. Эни бир ойликдан зиёд эмасдир ва ўн кунликдан кам эмас. Тибет ҳамма жойидан баландроқ ердадир ва зероки, унинг суви ҳамма ерга борадир...”

Дарҳақиқат, Тибет энг баланд тоғликдир, шу сабабдан у ҳамма ерга сув беради, яъни асосий сувайрғичдир. Тибетнинг бу хусусияти ҳозирги замон табиий географиясида алоҳида уқдириб ўтилади. Бу асарда Тибет тўғрисида ёзилган маълумотлар ҳали ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хулоса қилиб айтсак, Ҳайдар Мирза Ўрта Осиё табиатини анча яхши ўрганган сайёҳ ва олимлардан бири бўлиб, унинг асари XVI аср географиясининг катта ютуқларидан бири бўлиб, кейинги давр географиясининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Шунинг ҳам айтиш ўринлики, Ҳайдар Мирзанинг “Тарихий Рашидий” асарининг энг аҳамиятли томони, ўрта асрнинг унганча ўтган сайёҳ ва олимлари Ўрта Осиёнинг ғарбий, марказий ва жанубий қисмларини яхши тасвирлаганлар. Аммо шарқий, айниқса шимолий-шарқий тоғли қисми ва Еттисув табиати ҳақидаги тасаввурлари чалқаш, узук-юлуқ маълумотлардан иборат эди. Ҳайдар Мирза ўз давридаёқ Тяншан ва Еттисув ҳудудлари географияси тарихидаги бу чалқашликларга бир қадар барҳам берган.

Муҳаммад Ҳайдар Мирза 1551 йил Кашмирдаги маҳаллий қабилалар билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

## **II БОБ. XV АСР ОСИЁДА ГЕОГРАФИК БИЛИМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### **2.1 Даврнинг қисқача умумий ижтимоий-тарихий тавсифи.**

Ўрта асрларнинг иккинчи даврида феодализм Ғарбий Европада ривожланишнинг юқори чўққисига кўтарилди. Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши, ижтимоий меҳнат тақсимотининг кучайиши, саноат фаолиятининг қишлоқ хўжалигидан, бу эса ўз навбатида шаҳарнинг қишлоқдан ажралиб чиқиши билан баравар юз берди.

Техниканинг такомиллашуви ва саноатнинг ривожланиши билан меҳнат куруллари ишлаб чиқарилишини, уларнинг сонини кўпайтирди, бозор ҳажмини оширди ва нафақат маҳаллий, шунингдек, ўзга жойлардан келтирилган маҳсулотларга бўлган талабни оширди.

Шу вақтгача у ёки бу даражада тасодифий бўлган алмашишлар, феодал Европанинг хўжалик ҳаётига доимий ва ажралмас қисм сифатида кириб борди. Савдо-сотик тез суръатлар билан ривожланди, шаҳар аҳолиси ўсди ва бу ерда хунармандлар ҳамда савдогарлар жамланди. Савдо йўллари кесишган жойларда янги шаҳарлар пайдо бўлди. Улар Ўрта ер, Шимолий ва Болтиқ денгизи қирғоқларида айниқса тез кўпайди.

Шимолий Европа шаҳарлари рақобатчиларга қарши курашиш, ўз савдо манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўзаро иттифоқлар туздилар. Шундай иттифоқлардан энг муҳими Ганза иттифоқи ёки қисқача Ганза эди. У XVI аср ўрталарида шаклланди. Ушбу иттифоқ Болтиқ ва Шимолий денгиз қирғоқларида жойлашган ҳамда қирғоққа яқин бўлмаган, лекин денгиз савдоси билан боғлиқ кўплаб шаҳарларни қамраб олган эди; аксарият ҳолларда улар Рейн, Эльба ва бошқа йирик дарёлар бўйидаги шаҳарлар эди. Русларнинг Новгород шаҳри ҳам Ганза билан қизғин савдо алоқаларида эди.

XIV-XV асрларда таркибига Бельгия, Шимолий Франция ва Англия кирган Нидерландияда саноат ва савдо-сотик шиддат билан ривожланди.



Шаҳарларнинг кўпайиши, саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланиши ҳамда кишлоқ хўжалигининг бозор учун кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш қобилиятининг ўсиши натижасида, феодал Европасининг ижтимоий муносабатларда ўзгаришлар юз берди. Савдо-саноат буржуазиясининг шаклланиши, ички ва ташқи савдо алоқаларининг кучайиши натижасида, тарқоқ феодал князликларида сиёсий жиҳатдан бирлашиш ва марказлашган ҳокимиятга интилиш кучайди. Ғарбда улардан асосийлари Англия, Франция, Испания бўлса, Шарқий Европада Рус давлати эди. Бу давлатларда миллатларнинг шаклланиши жараёни бошланди.

Марказий Европанинг асосий қисми Германия империяси (аниқроғи “Немис миллатининг Муқаддас Рим империяси”) таркибида эди. У турли тоифадаги бир неча юз ўлка ва мулкларни- қироллик, князлик, герцоглик, озод шаҳарлар, епископликларни бирлаштирган эди. Ушбу кўплаб феодал давлатлар расман герман императорига бўйсунарди.

Италия ҳудудида узоқ вақтларгача кўплаб мустақил давлатлар, баъзида эса тобе бўлмаган алоҳида шаҳарлар кўринишида сақланиб қолди. Улар ўртасида кўпинча ўзаро низолар ва шафқатсиз урушлар бўлиб турар эди.

“Италия шаҳарлари орасида Венеция, Генуя, Милан, Флоренция каби қудратли сиёсий марказлар пайдо бўлди. Бироқ бу марказлардан ҳеч бири қолганларини ўзига бўйсундиришга қодир эмас эди. Шунинг билан бир қаторда, улардан ҳеч бири Италиянинг бирлашишидан манфаатдор эмасди. Италиянинг ички бозори айтарли даражада катта бўлмаган. Италия савдо ва саноат шаҳарлари ҳамда молиячиларининг асосий манфаатлари мамлакатнинг ташқарисида бўлган. Қуруқлик ва денгиздаги янги бозорларни қўлга киритиш, савдодаги рақобат Италия шаҳарларини бирлаштирмас, аксинча уларни бир-биридан узоқлаштирар эди”<sup>1</sup>.

Энг қудратли бўлган Венеция ва Генуя шаҳарлари Италия ҳудудидаги ерларидан кўра, унинг ташқарисидаги савдо масканларини, жумладан, Қрим ва Дон дарёси этакларини қўлга киритишга ҳаракат қилар эдилар.

---

<sup>1</sup> История дипломатии. В.П.Потемкин тах.ост, Т.1, М-Л., Геополитиздат. 1941. 156 б.

Мисол тариқасидан, Венеция, қудрат чўққисига чиққан пайтларида ҳам, ўз флоти ёрдамида ҳимоя қила оладиган Ўрта ер денгизининг шарқий қисмидаги орол ва ярим ороллари сотиб олиш билан чекланган эди. Бир неча асрлар давомида ўзининг улкан флотига эга бўлганлиги сабаб, Венеция денгиз савдосида ҳукмронлик қилди. Бу шаҳар одамлар ва савдо молларининг бир ердан иккинчи ерга кўчишида халқаро миқёсдаги энг гавжум жой эди. У қимматбаҳо молларни, Италияда етиштирилган саноат маҳсулотларини ҳам, ўзига жалб қилиш учун ўша пайтларда маълум бўлган барча мамлакатлар билан алоқа ўрнатди. Венециялик савдогарларни дунёнинг турли бурчакларида, жумладан, Хитойгача бўлган кўплаб Шарқ мамлакатларида ҳам учратиш мумкин эди. Кишиларнинг мафкураси ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларига черковнинг кучли таъсири хали ҳам сезилиб турар эди. Ўтган юзйилликлар давомида фан ва маданиятни монополиялаштирган, уларнинг воситаларидан усталик билан фойдаланган черков, ўз ҳукмини ўтказишда давом этди. Ўсиб бораётган товар ишлаб чиқаришдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилган черков IX-XIII асрларда европаликларнинг Шарқдаги савдо ва мустамлакачилик ҳаракатини бошқаришга ҳаракат қилди(салб юришлари).

XII асрнинг охирида ҳам черков қудратли иқтисодий ва сиёсий кучга эга эди. Рим папалари дунёни бошқарар, тожларни кийдираар, дунёвий ҳокимиятни назар-писанд қилмас эдилар.

Бироқ асрлар ўтиши мобайнида черковнинг кучи аста-секинлик билан сусайиб борди. У борган сари маблағга эга бўлган ҳукмрон синфга хизмат қила бошлади. Иқтисодий ва сиёсий ҳукмрон синфлар эса, борган сари ундан қатъийроқ талаб қўйиб, туғилиб келаётган буржуазиянинг таянчи бўлувчи мафкуравий тизимни яратишни талаб қилардилар. Ўз манфаати ва имтиёзларини ҳимоя қилган черков эса, папалар раҳнамолигидаги байналминал ташкилотга таянган ҳолда, жон-жаҳд билан дунёвий ҳокимиятга қаршилик қилишда давом этарди.

Халқаро савдо муносабатларининг ривожланиши маданиятлар ўртасидаги “мулоқат”га туртки бўлди. Араблар европаликларни қадимги дунёнинг классик асарлари, антик давр алломаларининг асарлари билан таништирдилар. XIII асрга келиб Аристотель (Арасту) ва бошқа олимларнинг табиатшунослик ва тарихга оид, қисман араб тилидан, қисман эса қадимги грек тилидан латин тилига таржима қилинган асарлари пайдо бўлди. Кейинроқ Птолемейнинг асарлари ҳам таржима қилинди. Антик давр алломаларининг беқиёс юксак даражадаги тафаккури, асарларидаги маълумотларнинг кўплиги, мантикий фикрлашнинг юксак даражаси Ғарбий Европа олимларини лол қолдирди. Салб юришлари, улардан ҳам кўпроқ Италия шаҳарларининг савдо-сотиқ фаолияти Европа халқларининг Ер ҳақидаги маконга оид тасаввурларини тубдан ўзгартириб юборди. Улар антик муаллифларининг асарлари билан тўлдирилди, кўринишини ўзгартирди.

Араблар орқали қайта кашф этилган қадимги дунё илмий билимлари ҳайратланарли, уларнинг таълимотлари эса шу даражада жозибали эдики, Ўрта ер денгизи ҳавзаларидаги шаҳарларда антик давр олимларининг ғоялари, фикрларини, ўтмиш, айниқса классик давр Греция маданияти ва санъатини қайта тиклашга қаратилган қудратли оқим юзага келди. Ушбу оқим Уйғониш (Ренессанс)га асос солди.

Ғарбий Европадаги Шарқ мамлакатлари ҳақидаги географик тасаввурларнинг ривожланиши ва ўзгаришига, бутун дунёни ларзага келтириб ҳаяжонлантирган ва халқлар тақдирида чуқур из қолдирган муҳим тарихий ҳодиса – мўғулларнинг босқинчилик юришлари муҳим аҳамият касб этди.

Осиёда XIII аср бошларида мўғулларнинг кучли империяси пайдо бўлди. Қудратли ва шафқатсиз Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Марказий ва Шарқий Осиёнинг катта қисмини истило қилдилар. Унинг ўғли Угедей даврида мўғуллар Россияга бостириб кириб, мамлакат жанубидаги кўплаб шаҳар ва қишлоқларга, жумладан “Русь шаҳарларининг онаси” қадимги

Киевга ҳам ўт қўйиб, вайрон қилдилар. Мўғул қўшини Дунайбўйи даштларига юриш қилиб, Ўрта ер денгизи шимолига катта хавф туғдирди.

Мўғулларнинг босқинчилик юришлари “замондошларнинг онгига шу даражада каттиқ таъсир кўрсатдики, улар ҳақида XIII асрнинг 20-30-йилларида Марказий ва Ўрта Осиё, Шимолий Африка ва Европанинг барча мамлакатларида фалокат ва офат сифатида гапирилди”<sup>2</sup>.

Польша, Венгрия, Моравия ва Силезияга шиддат билан бостириб кирган мўғуллар, тезда ортга қайтиб кетдилар. Улар Ғарбий Европадан кетган бўлсаларда, янги босқин хавфи олдидаги кўрқув қолди. Европаликлар мўғулларнинг дунёга эгалик қилиш иштиёқи ҳақида эшитган эди.

Мўғулларнинг Европага қилган юришлари Рим папаси ва Ғарбий Европа кироллари кўрқувга солиб қўйди. Айниқса киролар Шарқдаги ахволдан ташвишда эдилар. Рим папаси эса мўғул хонини насроний динига ўтказишга ҳаракат қилмоқчи ҳам бўлди. Бу мақсадни амалга оширишга бўлган ҳаракатга, Осиёдаги қудратли насроний давлатини бошқарган афсонавий шоҳ – руҳоний Иван ҳақидаги миш-мишларнинг кенг тарқалиши ҳам туртки бўлди. Кўринишича, ушбу афсонанинг пайдо бўлишига, гўёки Марказий Осиёда несторианларнинг борлиги ҳақидаги хабарлар сабабчи бўлгандир. Руҳоний Иван ҳақидиги илк маълумотлар XII аср солномаларида учрайди. Рим папаларининг узоқ Осиёдаги кўчманчиларни насроний динига ўтказиш истаги билан қўллаб-қувватланган ушбу афсона, юз йилдан ортиқроқ яшади.

Рим папалари ва Ғарбий Европа ҳукмдорларининг, Яқин Шарқда салбчилар томонидан барпо этилган насроний давлатларни сиқувга олаётган мусулмон давлатларига қарши курашиш учун буюк хон билан иттифок тузиш, ўзга юртлар ҳақида кўпроқ маълумот тўплаш ва миссионерликка бўлган интилишлари оқибатида, мўғул хонлари ҳузурига бир қатор элчилар ва махсус вакиллар юборилди.

Ушбу мақсадларни кўзлаб, папа Иннокентий IV ва француз қироли Людовик IX, мўғуллар олдига расмий топшириқ билан махсус вакиллари

---

<sup>2</sup> Б.Д. Греков, А.Ю. Якубовский. Золотая Орда и её падение. М.-Л., 1950. 52-б.

юбордилар. Бу вакилларга одатда, ўзига хос иттифоқларга – Доминикан ва Францискан орденларига бирлашган билимдон руҳонийлар раҳбарлик қилар эди.

## **2.2. Марко Поло саёҳати ва унинг география фанининг ривождаги ўрни.**

Шарқий Осиё мамлакатларига нафақат христиан черковининг расмий вакиллари – дипломатик, миссионерлик ва жосуслик мақсадларида борар эди. Бундай вазифаларни узоқ ва давомли сафарларга йўл олган савдогарлар ҳам бажарар эдилар. Албатта, савдогарлар, бойлик орттириш илинжида бўлганликлари учун, тижорат ишларидан келадиган фойдани кўзлаб иш тутардилар. Биринчи навбатда уларни савдо йўллари, даромад, бозорлар ва савдо-сотик шароитлари, яъни XIV асрда “амалий савдо-сотик” деб аталган халқларнинг ҳаёти, турмуш даражаси, урф-одатлари каби саволлар кизиқтирар эди. Шарқ билан савдо олиб бориш ўша пайтларда Италиянинг шаҳар-республикалари, жумладан, Генуя ва Венециянинг тасарруфида эди. Уларнинг савдогарлари, Мўғул империясининг ташкил топганлигидан унумли фойдаланиб қолишга интилиб, Осиёга боришга тўхтовсиз равишда ҳаракат қилардилар. Улар орасида, мисол учун Венециялик Пололар оиласининг учта аъзоси ҳам бўлган. Айниқса, Марко Полонинг саёҳати катта аҳамият касб этди. У ўрта аср савдогарлари орасида алоҳида ўринга эга. Осиё мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилишга Марконинг отаси Никколо ва амакиси Маффеолар сабабчи бўлганлар.

Ака-ука Пололар ўзларининг биринчи сафарларига 1254-йили чиққанлар. Улар Венециядан чиқиб, Константинополдан Қримга бордилар, 1261-йили Волгага етиб олдилар. Жанубий Россиядан Бухоро, Самарқанд орқали Ғарбий ва Шарқий Тянь-Шань тоғолди ҳудудлари бўйлаб юриб, Хитойдан Ўрта Осиёга олиб борувчи Буюк ипак йўлининг муҳим шахобчаси бўлган Ҳами воҳасига бордилар. Улар Ҳамидан Сулэхе дарёсининг водийига,

шундан сўнг мўғул императори Хубил пайтахт қилиб танлаган Пекингга кириб бордилар. Ака-ука Пололар 14 йиллик саёҳатдан кейин, 1269-йили Венецияга қайтиб келдилар.

Ватанига қайтиб келган ака-укалар бу ерда бир мунча муддат ушланиб қолдилар, боиси папа Клемент IV вафот этган эди. 1271-йили янги Рим папаси Григорий IX оқ фотиҳа бериб, иккинчи марта уларни мўғул хони хузурига юборди. Улар билан бирга иккита руҳоний-миссионер ҳам йўлга чиқди. Никколо ўзи билан бирга ўн етти ёшли ўғли Маркони олиб кетди.

Савдогарлар Акрадан(Фаластин) йўлга чиқдилар. Миср султонининг Яқин Шарққа юриш қилмоқчи бўлганлигидан хабар топган руҳоний-миссионерлар, илгари боришга журъат қилмай, ортга қайтиб кетишди. Ака-ука Пололар ва Марко Кичик Осиёнинг марказий қисми ҳамда Арман тоғликларидадан ошиб ўтиб, Дажла водийи Мосул ва Бағдод орқали Басрагача етиб олдилар, у ердан Табризга ўтиб, Карман орқали Эронни кесиб ўтиб, Ормузга бордилар. Шундан сўнг сайёҳлар Эрон тоғликларидадан ошиб ўтиб Балхга, ундан Ҳиндикушнинг жанубий тоғолди бўйлаб ҳаракат қилиб, Помир орқали Қашқарга бордилар ва Куэньлунь тоғи этагида жойлашган шаҳарлардан ўтиб, Ёркентга етиб олдилар. Бу ердан Хўтан орқали шарққа томон юриб, Лабнор кўли ёнидан бориб, Ордасни кесиб ўтдилар ва Пекингга етиб бордилар.

Ўн беш йилдан ортиқроқ(1275-1290йй) Марко Поло отаси ва амакиси билан бирга Хитойда яшади. Шу давр мобайнида у мўғул хони хизматида бўлди. Ёш Марко янги мамлакатга тезда кўникиб кетди, унинг сўзларига қараганда, табар тилини ва тўртта алифбони ўрганиб олди. Хоннинг бир неча топшириқларини муваффақиятли бажариб, унинг ишончини қозонди, мамлакатнинг кўплаб жойларида хоннинг вакили сифатида бўлди. Шу муносабат билан Марко, Буюк Хитой текисликларининг бир қисми билан танишди, ҳозирги Шаньси, Шэньси ва Сичуань вилоятларидан тортиб, олисда жойлашган Юньнань ва ҳатто Бирма билан Шимолий Индонезиягача борди.


Хитой бўйлаб сафар қилар экан, у теварак-атрофни ўтқир ва аниқ кузата олиш қобилиятини намоён қилди ва европаликлардан ҳеч бири бўлмаган ушбу мамлакат ҳақида улкан маълумотларни тўплади. Узоқ йиллар Хубилайнинг хизматида бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган венецияликлар ўз юртларига қайтишга қарор қиладилар.

Полонинг флотилияси Ҳиндхитой ярим оролининг шарқий қирғоқларидан ўтиб, Сингапур ва Малакка бўғозлари орқали, яъни Малакка ярим ороли ва Суматра оралиғидан Ҳинд океанига чиқди.

Суматрада беш ой бўлгач, у Цейлонга етиб борди.

Цейлондан кемалар Ҳиндистон ярим оролининг жанубий қирғоқларидаги Коморин бурунидан ўтиб, ярим оролининг жанубий-ғарбий қирғоқлари бўйлаб сузиб, Ормуз бўғози ва Форс кўрфази орқали ўтиб, 1294-йили Басра шаҳрига етиб келдилар. 1295-йили йигирма тўрт йиллик айриликдан сўнг Пололар, Трапезунд ва Босфор орқали Венецияга қайтдилар.

Марко Поло ватанига қайтгандан кейин уч йил ўтгач, Венеция билан Генуя ўртасида бўлган урушда қатнашиб, асирга тушади ва турмага ташланади. Бу ерда у ўз саёхатлари ҳақида қамоқхонадаги ўртоқларидан бири - Рустичианога айтиб туриб ёздирди. Кейинчалик у ёзиб олганларини “Жаноб Марко Полонинг Шарқ подшоликлари ва мўъжизалари ҳақидаги китоби” номи остида чоп эттирди. Ушбу китобда илгари ҳеч бир европаликка маълум бўлмаган, жуда катта ҳажмдаги географик маълумотларни келтирилган эди. Поло нафақат ўзи, отаси ва амакиси бўлган жойлар ҳақида, шунингдек, бошқа мамлакатлар ҳақида ҳам маълумотлар келтиради. Унинг географик дунёқараши, Г. Юл томонидан “Китоб”да келтирилган маълумотлар асосида тузилган карта



Дунё Марко Поло тасавурида

бўйича баҳоланадиган бўлса, жуда кенг эди.

Марко Поло биринчи бўлиб европаликлар учун Хитойни кашф қилди ва бу давлатни бор бўй-басти— бойликлари, йирик дарёлари, катта шаҳарлари, бой мануфактуралари, ҳар қандай тасаввурга сиғиши қийин бўлган, Хитойнинг денгиз ва кўрфазларини тўлдириб турувчи улкан флоти билан кўрсатиб берди, Тибет ва Бирма, Ҳиндихитой, Ҳинд архипелаги, Ява ва Суматра, Андаманнинг ёввойи одамлари ҳақида маълумотлар келтирди. У Зипанг (Япония) ҳақида у жуда катта бойликларга эга, деб ҳисобларди, буларнинг барчаси замондошлари ва XIV-XV аср одамларида катта таассурот қолдирарди. У Ҳиндистон ва Цейлонга тавсиф беради, бунинг устига араб сайёҳларидан кўра батафсилроқ таърифлайди. Бироқ Шарқий Африка ва унга ёндош бўлган, Сокотра оролидан ташқари, Ҳинд океанидаги ороллар ҳақида гира-шира тасаввурга эга эди; у Занзибар ва Мадагаскар, “Абиссиния”, яъни Эфиопияни тилга олиб ўтади, холос. Кўринишича, Поло бу мамлакатларда бўлмаган, бироқ у биринчи бўлиб европаликларга Мадагаскар ҳақида



маълумот берган. Бироқ Марко Полонинг тўплаган улкан географик маълумотлари ва очишлари ўз давридан анча илгарилаб кетганлиги сабабли, европаликлар уларни ўз вақтида ўзлаштира олмадилар, ваҳоланки, XIII география фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшиши мумкин эди.

XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, биз Полонинг “Китоби” география фанининг ривожланишига бевосита таъсир қилганини кузатишимиз мумкин. Шу даврдан бошлаб, у Осиёнинг географик карталарини тузишда асосий қўлланма бўлиб хизмат қила бошлади. Мисол учун, 1375 йили тузилган Католиянинг дунё картасида, Фра-Мауронинг 1459-йили тузилган айланма картасида ва б. Тузувчилар, Марко Полонинг “Китобидан” фойдаланиб Шарқий Осиё мамлакатларини анчайин аниқ кўрсатганлар.

Полонинг “Китоби” кўплаб тилларга таржима қилиниб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиёга борган саёҳатчилар учун энг зарур манбага айланди. У буюк географик очишлар даврида жуда катта аҳамият касб этди. Ундан буюк космографлар ва денгизчилар, шу жумладан, Христофор Колумб ҳам фойдаланган.

### **2.3. Русларнинг Шарқий Европа ҳақидаги географик билимлари.**

Шарқий Европа ҳудудида яшовчи русларни географик билимлари Киев Русида қай даражада эканлигини, бизгача етиб келган тарихий ҳужжатлардан билиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, одатда Нестор номи билан боғланувчи “Бошланғич” рус солномаси қимматли саналади. “Замонлар қиссаси” (“Повесть временних лет”) деб ном олган ушбу солнома (тах. 1114-1116й) биринчи рус тарихи, ва айни пайтда биринчи рус географияси ҳисобланади. “Энг қадимги даврлар бўлиб ўтган воқеалар ҳақида, содда тилда ёзилган ҳикояларда, улар қайси ҳудудлардан бўлганлиги ҳам муҳим элемент сифатида берилган”<sup>3</sup>.

---

<sup>3</sup> Н.П. Барсов. Очерки русской географии. География начальной(Несторовой) летописи. 2-нашр, К, 1885.3-б.

Руснинг чўқинтирилишидан (962-й) бошланган Несторнинг солномаси диққат билан таҳлил қилинса, русларнинг дунёкараши X асрдаёқ анча кенг бўлганлигини англаш мумкин. Солномачига маълум бўлган дунё замонавий картада қуйидагича жойлаштириш мумкин: шимолда унинг чегараси бўлиб, Урал тизмасидан Нева дарёсининг этагигача (тах. 60°-ш.к.), Болтиқ денгизи кирғоқ бўйи, Шимолий денгиз ва Британиянинг жанубий кирғоқларигача бўлган ҳудуд хизмат қилади; ғарбда - Европанинг океан кирғоқлари ва қисман Африканинг шимолий-ғарбий қисми; жанубда солномачига маълум бўлган чекка мамлакатлар: Африкада – Ўрта ер денгизи кирғоқлари, Нилнинг қуйи қисми, Осиёда – Арабистон ва Ҳиндистон; шарқда – Бактрия, Каспий денгизи ва Волга.

Шарқий текисликнинг ўзига хос жиҳати деб, Марказий тепаликнинг мавжудлиги, у ердан турли йўналишларда текислик томонга дарёлар оқиб келиши қайд этилади: шарқ томонга – Волга, жанубга – Днепр, шимолга, Болтиқ денгизига – Двина. Қалин ўрмонзор билан қопланган ушбу сув айирғич, солномада Око, Воков ёки Волоков ўрмонлари номи билан аталган.

Шундан кейин солномачи ўрмон билан қопланган, Марказий тепаликни Урал тизмалари билан боғлаб турувчи, сув айирғич тепаликлари ҳақида гапиради (кўринишича, Шимолий тепаликлар). Бир томондан Волганинг шимолий ирмоқлари (Молога, Шексна, Кострома, Ужна, Кама), иккинчи томондан Болтиқ ва Оқ денгизларининг ирмоқлари оралиғида жойлашган ушбу ўрмонли сув айирғич Волока деб аталган. Волокадан шимолда жойлашган Онега, Шимолий Двина, Мезен ва Печора дарёларининг ҳавзаларидаги ҳудудлар, XI асрда Волока орти Заволочье деб аталган, бироқ бу ерлар ҳақида маълумотлар жуда кам эди.

Волокада турли ҳавзалардаги дарёлар яқинлашади; бу ерларда қадимдан бир дарёдан иккинчи дарёга олиб борувчи энг яқин жойлар мавжуд эди. Солномачига турли рус дарёларининг ирмоқлари ва улар яқинида жойлашган қишлоқлар яхши маълум бўлган. Унда Русда яшаган кўплаб

славян қабилалари ва уларнинг турар жойлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Солномачи Шарқий Европани икки қисмга ажратади. Марказий тепалик атрофидаги вилоятлар Поднепровье ва Повложьега нисбатан Юқори ерлар ёки қисқача, Юқори деб аталган. Булар асосан Новгород ва Смоленск ерлари эди. Юқори ерларга нисбатан Қуйи ерлар ёки Қуйи ажратилган. Қуйи ерларга, Днепрнинг қуйи оқимида жойлашган Киев, Чернигов ва Перечславл князликлари киритилган. Кейинчалик жанубий-шарқда Қуйи деб, Тверцадан пастда жойлашган ерлар атала бошланган.

Шарқий Европанинг шимолий қисми ҳақида солномачи ҳеч нима билмаган. Мисол учун, у на Онега кўли, на Шимолий Двина ва на Корелия ҳақида маълумотга эга бўлмаган. Несторнинг солномаси 1114-йил билан яқунланади. Бироқ Русда бундан кейин ҳам географик билимлар ошириб борилган. Бу ҳақида Рус ерининг турли ўлкалари, аҳолиси ва уларнинг ҳаётига тавсиф берилган янги солномалардан билиб олишимиз мумкин.

Бу даврда руслар, солномаларда ўз аксини топган, янги географик очишлар қилдилар. Европа ва Осиёнинг шимолидаги бу очишлар, биринчи навбатда, қадимги Рус феодал республикаси, ўша пайтларда “Жаноб Буюк Новгород” деган номни олган давлатнинг фуқаролари томонидан амалга оширилган.

#### **2.4. Рус халқларнинг шарқий Европанинг шимолий қисмининг очиши ва Сибирга илк сафарлар (XII-XV асрлар).**

Рус феодал муносабатларининг ривожланиши, Новгороднинг сиёсий жиҳатдан кучсизланиши, мустақил феодал “яримдавлатлар”нинг пайдо бўлишига олиб келди. 1136-йили унинг ўрнида феодал Новгород республикаси барпо этилди ва у 1478-йилгача мавжуд бўлди.

Буюк Новгороднинг гуллаб-яшнаган давларида унинг худуди Оқ денгиздаги Сума работ(Қадимги Русь шаҳарларида: шаҳар деворларидан

ташқаридаги савдо-сотик ва хунармандчилик ривожланган, обод жой, шаҳарча)идан Ғарбий Двина дарёсининг сув айирғичи ва Ильмен кўлигача бўлган улкан жойларни эгаллаган эди. Географик жihatдан қулай жойлашган Новгород, йирик савдо марказига айланди. У Қуйи рус ерлари ва Ғарбий Европа мамлакатлари билан савдо ишларини муваффақиятли олиб борар эди.

Новгород ерлари кам ҳосил бўлганлиги сабаб, деҳқончилик учун кам фойдаланилар эди. Ўз нони кам бўлганлиги боис, новгородликлар балиқчилик ва овчилик билан ҳам шуғулланишга мажбур бўлганлар. Овчилар нафақат ўзларини махсулотлар билан таъминлар, шунинг баробарида Ғарбий Европа мамлакатларига ўз молларини олиб бориб, мовут, вино, қимматбаҳо металл ва зираворларга айирбошлар эдилар.


Руснинг шимолий-ғарбий ерлари ва Болтиқбўйи давлатлари, яъни Ганза иттифоқи савдогарлари билан олиб борилган қизғин савдо-сотик натижасида, новгородликлар X ва айниқса, XI-XII асрларда ўзларига яхши таниш бўлган Болтиқ денгизига тез-тез чиқар эдилар.

Новгородликлар чет эллардан келтирилган молларни, Волгабўйи ва Днепр бўйи, яъни Қуйи ерлардан келтирилган ун махсулотларига алмаштирар эдилар. Бироқ ушбу муносабатлар турғун бўлиши учун, мўйнали ҳайвонлар овини кўпайтириш, янада кўпроқ балиқ овлаш, туз қазиб олишни ошириш керак эди. Ғарб билан савдо-сотикда мўйна алоҳида аҳамиятга эга эди. Бироқ, Новгород атрофидаги мўйнали ҳайвонларнинг аксарият қисми қириб юборилганлиги ёки шимолга кетганлиги сабабли, ерли аҳоли шимолга ёки шарққа, ҳайвонлар кўп бўлган ўрмонлар, ботқоқлар, балиқлар сероб бўлган дарёлар томонга боришга мажбур бўлди. Новгороддан Шимол ва Шимолий-шарқнинг чекка жойларига, кўпсонли мустамлакалаштириш оқими силжиб борди; улкан ҳудудларни ўзлаштириш, кўпсонли бўлмаган шимол халқларини (лопи-саамлар ва б.) бўйсундириш бошланиб, улар ривожланиш даражаси юқорироқ бўлган рус маданияти доирасига киритилди. Асосан, боярларнинг зулмидан қочишга ҳаракат қилган оддий одамлар борар эди; боярлар ҳам ўз одамларини, силжишга қулай бўлган дарё

йўллари орқали юборишар, улар охир-оқибат Муз океани денгизларига олиб бориши керак эди. Айнан ана шулар биринчи бўлиб, Скандинавия ярим оролининг шимоли ва Мурманск қирғоқларидан ташқари, Шарқий Европа соҳилбўйларини кашф қилдилар ва ўзлаштирдилар. Новгородлик пионерларнинг янги ерларни ўзлаштиришлари, жуда оғир табиий шароитларда, катта қийинчиликлар билан кечди. Сузиш воситалари жуда ҳам содда ва жўн бўлиб, асосан ўша пайтларда “ушқуй” деб аталган кичик қайиқлар эди.

Новгородликлар Шимолий Двина ва Оқ денгиз қирғоқларига бир неча йўлларни очдилар.

#### 4- карта



Шимолий Европанинг Руслар томонидан очилиши ва жойланиши.

Улар Волхов дарёси орқали Ладога кўлигача етиб бордилар. Бу ердан Онега дарёси бўйлаб сузиб, Оқ денгизга ёки Онегадан Емца дарёсининг юқори оқими орқали Шимолий Двинагача етиб борар эдилар. Улар,

шунингдек, Онегагача, оқадиган Лача кўли орқали Витерга дарёсидан бориб, Шимолий Двинага етиб олардилар. Онега кўлининг шимолий чеккасидан, ҳозирда Беломор-Болтиқ канали ўтувчи дарё ва кўллар орқали новгородликлар Онега кўлтиғининг ғарбий қирғоқларига, бу ердан эса, Карелиянинг шимолига боришар эди.

Новгородликлар, ана шундай турли йўллар билан Оқ денгиз қирғоқларига етиб боришиб, балиқ, денгиз ва мўйнали хайвонларни овлашар, туз казиб олардилар. Новгородлик зодагонлар айникса, Ғарб ва Қуйи билан савдо қилиш учун қимматбаҳо моллар келтириладиган Поморъени кадрлашар эди.

Поморъени ўзлаштирган Новгород аҳли, уларни кейинчалик поморлар деб атай бошлаганлар, янги жойларга номлар қўя бошлаганлар; уларнинг аксарият қисми ҳозирги хариталарда ҳам сақланиб қолган. Мисол учун, Кола ярим оролининг шимолий қирғоқлари Мурман(Норман), шарқий ва жанубий-шарқий қисми Тер, Оқ денгизнинг Ғарбий қирғоқлари Карел, Кема дарёсининг этаги ва Онега оралиғи – Помор; Онега ярим оролининг жанубий-ғарбий қирғоғи – Летний(Ёзги); Оқ денгизнинг шарқи – Шимолий Двина дарёсининг этагидан Мезен кўлтиғигача – Зимний(Қишки) номларини олган.

Зимний қирғоқларидан шимолий-шарқ томонда, Шимолий Уралнинг ҳар икки томонида, Печора ва Қуйи Обь оралиғида жойлашган “самоядь” (ненец) ерлари ва “югра” ёки “югор ерлари” жойлашган эди<sup>4</sup>. Ушбу барча ерлар, яъни шимолий-шарқий Европа ва шимолий-ғарбий Сибирь, новгородликлар томонидан XI асрдаёқ кашф этилганлигини Несторнинг солномасидан билиш мумкин.

Европанинг чекка шимолий-шарқига новгородликлар икки йўл билан боришган. Биринчи, Шимолий йўл Шимолий Двинанинг ирмоғи Пинчей орқали ўтган; бу ердан Мезень дарёсига ва унинг пастки ирмоғи Пезага,

---

<sup>4</sup> Печора ҳавзаси ўша пайтларда Подкаменная Югра, Шимолий Урал – Северный Камень деб аталган, Камень – Урал тизмаларининг эски русча номи.

Цельма орқали Печорагача етиб боришган. Бироқ бу йўл сузиш учун жуда ноқулай бўлганлиги боис, кўпроқ осонроқ ва қулайроқ бўлган Жанубий йўлдан фойдаланганлар. У, Мезенни орқада қолдириб, Сухон ва Вичегда дарёлари орқали тўғри Печорага олиб борган. Кўринишича, новгородликлар Усе ва Шимолий Сосьва дарёлари орқали Урал ортига ўтиб Обьгача етиб борганлар.

XII асрдан бошлаб, новгородликлар кетидан Шарқий Европанинг шимолига Қуйи Русь аҳолиси эргашди. XIV асрга келиб, Волганинг юқорисидаги Вага орқали, Шимолий Двинанинг этагигача бўлган жойларда кўплаб манзилгоҳлар пайдо бўлганини кўриш мумкин. Двинанинг этагигача борганлар ғарбга ва Оқ денгизнинг шарқий қисмига ҳам етиб бориб, ўз қишлоқларини қурдилар. Вақтлар ўтиши мобайнида Қуйи Русь Новгород билан рақобатлаша бошлади. Қуйи ва Новгород князлари ўртасида кўпинча қуролли тўқнашувларга олиб борган низолар чиқа бошлади. Фақат XV асрга келиб, Москва Новгород ва шимолий рус манзилгоҳларини ўзига қўшиб олгандан кейингина тўқнашувларга барҳам берилди.

Новгородликларнинг босиб олиш ҳаракати шимолий-шарқий йўналиш билангина чекланиб қолмади. XII асрнинг иккинчи ярмида руслар Кола ярим оролигача етиб бордилар. Новгородликлар XIII аср охирига келиб, тўлиқ бўйсундирилган Кола ярим оролидаги саамлардан ўлпон тўплаш ҳуқуқига эга эдилар. Ўша даврларда Кола ярим оролида фақатгина балиқчилик ва овчилик билан шуғулланиш мумкин эди. Аҳоли турар жойлари эса Тер ва Мурманнинг тор қирғоқбўйида жойлашган эди.

Шундай қилиб, XII-XIII асрларда руслар Шимолий-ғарбий Европанинг Кола ярим ороли ғарбий қирғоқларидан Обьнинг қуйилиш жойигача бўлган улкан ҳудудни яхши билганлар.

Шу билан бирга поморлар денгиз ови билан шуғулланиб, шимол ва шимолий-шарққа чуқур кириб бордилар ва “Совуқ денгизда” (Шимолий муз океани) бир қатор ерларни очдилар. Худди шу пайтларда руслар биринчи марта Шпицберген ва Янги Ер билан танишдилар.

XIV асрда рус кемаларининг Шимолий Муз океанида сузиши янада фаоллашди. Руслар шимолий денгизларни ўзлаштиришда пионер ҳисобланади, улар ҳаттоки, денгиз мамлакатлари бўлган Англия ва Голландиядан ҳам ўзиб кетдилар.

Рус денгизчилари Шимолий Муз океани сарҳадларида мохирона сузганликлари ҳақида, XIV асрнинг ўрталарида Ҳиндистонга олиб боровчи Шимолий-шарқий денгиз йўлини қидирган, Фарбий Европа денгизчилари ҳам маълумот берганлар. Мисол учун, янги мамлакат ва оролларни “кашф қилган” инглиз ва голланд капитанлари, бу ерларда доимий равишда тажрибали рус денгизчилари бошқарган кемаларни учратганлар. Улар борган Шимолий океандаги кўплаб жойлар ва ороллар, аллақачон руслар томонидан номланганлиги ва уларга янги номлар ортиқча эканлигини таъкидлаганлар. Ушбу номлар янги географик хариталарда ҳам сақланиб қолди. Баренц денгизининг номи бундан мустасно. Илгари руслар уни Рус денгизи, баъзида Совуқ денгиз деб атаганлар.

Аста-секин шимолий ва шимолий-шарқий йўналиш бўйлаб илгарилаб борган руслар, ўзлари учун янги бўлган ерларни тобора кўпроқ ўзлаштириб бордилар. XV аср охирига келиб, улар Коми мамлакатини, ундан кейин “Буюк Пермни”, яъни Юқори Кама ҳавзасида жойлашган, коми-пермяклар мамлакатини Москва князлигига қўшиб олдилар.

Пермь ерида илгарилаб бораётган руслар вогул(манси)лар қаршилигига дуч келдилар. Уларга қарши курашиш учун 1483-йили Москва воевода(Қадимги Русда: аскар бошлиғи, аскарбоши)лари – князь Федор Курбский-Черний ва Иван Салтик-Травинлар юборилади. Вогулларни таъқиб қилиб бориб, улар “тарихда исботланган, “Сибирь Ерига”, яъни Иртишга, биринчи сафарни уюштирдилар”(И.П.Магидович). Улар “... Тюмень ёнидан ўтиб, Сибирь ерига бордилар, Сибирдан Иртиш бўйлаб... қўшин Устюгга 1-октябрда келди, Юграда кўплаб одамлар ўлди, устюгликлардан эса ҳеч ким қолмади”<sup>5</sup>.

---

<sup>5</sup> Н.М.Карамзин.Примечания к “Истории государства Российского”, т. VI, 46-изох.



Шимолий Осиё ҳақида қадимдан куракда турмайдиган, бемаъни ва фантастик тасаввур мавжуд эди. У ҳақидаги баъзи бир, нисбатан ишончли маълумотлар ўрта асрларда Шарқий Осиёга борган сайёҳларининг, шу жумладан Марко Полонинг, қулоғига чалинган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунга қарамай, Сибирь ҳудуди географик хариталарда улкан оқ доғ бўлиб қолаётган эди. “Сибирь” атамасининг ўзи илк бор 1375-йилги Католон харитасида “Себур” тарзида берилган. Ғарбий Европада замонавий талаффуздаги “Сибирь”, XV асрнинг 50-йилларида(1457-1459йй) тузилган Фра-Мауронинг айланма харитасида биринчи марта ишлатилган, бунинг устига у замонавий Ғарбий Сибирнинг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган мамлакатнинг номи сифатида қўлланилган.

1499-1501-йилларда Москва воеводлари, Ярослав князлари Семен Курбский ва Петр Ужатийлар шимолий-ғарбий Сибирга юриш қилдилар. Улар илгари новгородликлар очган йўллар билан Вологдадан Печорагача етиб олдилар, шу ерда Урал тизмаларидан ошиб ўтдилар ва Қутббўйи Уралининг энг юқори қисмидан бошланувчи ҳамда Обьнинг ирмоғи бўлган Шимолий Сосьвага қуюлувчи, Ляпин дарёсига чиқдилар. Ушбу юриш чоғида улар Урал тизма тоғларининг энг баланд қисмини очдилар. География фани учун, улар Уралнинг ҳақиқий йўналишини “денгиздан денгизгача” эканини аниқлашлари айниқса муҳим бўлди.

Курбский ва Ушатий томонидан Урал тизмасининг ҳақиқий йўналишини аниқланиши, тез орада С.Герберштейннинг XVI асрнинг биринчи чорагидаги рус манбалари асосида тузилган харитасида ўз ифодасини топди. Бу харитада Печора ва Обь дарёлари оралиғида бўлган, “Ернинг камари” номини олган тоғлар берилган. Шундай қилиб, XV асрнинг сўнгги чорагида руслар Иртишга, XV-XVI аср бошларида эса, қуруқликдаги йўллар орқали Обьнинг этақларигача етиб бордилар. Шу пайтдан бошлаб, Уралортининг руслар бўлган жойлари Москва тасарруфидаги ерга айланди.

## 2.5. Шимолий-ғарбий йўлини ахтариш.

XVI асрда Португалия Шарққа олиб борувчи сув йўлларини борган сари кўпроқ ўзлаштириб бориб, Африканинг чекка ўлкаларидаги бепоён ерларни мустамлакага айлантирди ва Ҳиндистон ҳамда Малай янги ерларни босиб олишга интилишни ривожлантирди. Мустамлака мамлакатлардан олиб келинган ва ороллар билан зираворлар савдосидан тушган беҳисоб бойликларга эга бўлди, шу сабабли ушбу савдо йўлини кўриклаш учун маблағни аямади. Португал кўриқчи кемалари ва қуролланган савдо кемаларининг карвони, улар назоратидаги сув ҳавзаларига таваккал қилиб кирган бошқа давлат кемаларининг таъзирини берардилар. Арабларнинг Шарқ билан савдосини янчиб ташлаган португалияликлар, XVI асрда нафақат Африка атрофидаги савдо йўлларидан Ҳиндистонгача, балки унданда узоққача – Хитой, Япония ва Янги Гвинеягача тўлиқ ҳукмронлик қилдилар.

Нафақат Марказий, шунингдек, Шимолий Американинг жанубида ва Жанубий Американинг ғарбий соҳилбўйида ўз мавқеларини тобора мустаҳкамлаётган испанлар ҳам Ҳиндистонга олиб борувчи йўлларга “хўжайинчилик” қилардилар. Шарқда ҳаракат қилган португаллар каби, улар денгиздаги устунликларидан фойдаланиб, Европанинг бошқа давлатлари байроғи остида сузган кемаларни таъқиб қилардилар. Улар, айниқса, Испанияга олтин оқиб келувчи, Марказий Америкага олиб борувчи йўлни жон-жаҳдлари билан кўриқлардилар.

Бироқ Америка қитъаси шу қадар улкан ва юқори кенгликларгача бўлган узоқ масофага чўзилиб кетган эдики, Испания бошқа мамлакатлар кемаларини ўз қирғоқларига етиб боришига тўсқинлик қилишга қодир эмас эди. Бунга ҳатто, Рим папасининг “дунёни бўлиб олиш” чегарасининг ғарбидаги бутун дунё ва барча ерларни, Испанияга тегишли эканини маълум қилган булла (Рим папасининг фармони) си ҳам ёрдам беролмади. Бразилия

кирғоқларига португаллар; Флоридадан бошлаб шимол томонга Нидерландия, Англия, Франция кемалари борган сари кўпроқ бора бошлади.

Шимолий Американинг шимолий қисми кўриниши ва шакли юзасидан XVI-XVII аср бошларида икки хил қараш мавжуд эди. Баъзилар бу ерда Америка ва Шимолий Осиёни боғлаб турувчи бўйин бор деса, бошқа бирлари Америка, шимол томонини океан сувлари ювиб турувчи мустақил қитъа деб ҳисоблаганлар. Англиялик Хемфри Гильберт(1539-1583) ҳам кейинги нуқтаи назар тарафдори бўлган. У ўзининг “Рицарь сэр Хемфри Гильбертнинг Хитой ва Ҳиндистонга боришда Шимолий-ғарбий ўтиш жойининг мавжудлиги ҳақидаги мулоҳазалари” китобида, у Англиялик савдогарларни ушбу ўтиш жойини излашни бошлаш, мақсадга мувофиқлигига ишонтиришга ҳаракат қилади.

Гильберт нафақат қадимги грекларнинг, шунингдек, ўзига замондош бўлган географлар нуфузига таянган. Шулардан бири машҳур картограф Ортелиус бўлиб, унинг дунё харитаси Гильбертнинг тахмини тўғри эканлигига ишонтирган (карта схема).

Биринчи бўлиб ушбу назарияни амалда синаб кўрган одам Мартин Фробишер бўлиб, у 1576-1578 йилларда шимолга учта саёҳат уюштирган. У Шатландияни ва Гренландиянинг жанубий қирғоқларини айланиб ўтиб, ўша даврларда Англияда Мата-Инкогнита деб аталган Баффин Еригача етиб борди. Бу ерда у шимолий-ғарбий ўтиш жойи деб ўйлаган тор қўлтиққа кириб борди ва унга Фробишер бўғози деб ном берди. Кашф қилинган жойда у олтинга ўхшаш ялтираган металл қора тошни топади. Бироқ тез орада унинг ҳафсаласи пир бўлди, чунки “олтин рудаси” – қиммат бўлмаган мис колчедани бўлиб чиқди. У ўтиш жойи деб ишонган Фробишер бўғози ҳам боши берк жой (тупик) экан.

Ўзининг учинчи саёҳатида Фробишер Гудзон ва Девис бўғозларини кашф қилди, бироқ уларни охиригача ўрганиб чиқмади. “Фробишер чиндан ҳам ҳақиқий Гренландияни кўрган, Баффин Ерини очишни бошлаб берган ва кейинчалик Гудзон ва Девис деб аталган кенг бўғозларга кирган бўлсада,

Атлантиканинг шимолий-ғарбий харитасига каттагина чалкашликни ҳам олиб кирди. Унинг кема сафарларидан кейин XVII асрнинг бошларигача картографлар Гренландия деганда битта оролни эмас, мавжуд ва мавжуд бўлмаган тўртта оролни атаганлар, бироқ у биринчи бўлиб айсберг(музтоғ)лар табиатини ўрганган: у музтоғ эриганда шўр эмас, чучук сув ҳосил қилишини пайқади.

Жон Девиснинг 1585-1587 йилларда уюштирган учта экспедицияси бирмунча самаралироқ бўлди, бироқ улар ҳам Шимолий-ғарбий ўтиш жойи муаммосини хал қилмади. Девис синчиковлик билан шарқий Гренландиянинг жанубий қирғоқларининг ўрганиб чиқди. Фробишернинг чалкашликлари шу даражада катта эдики, Девис Гренландияни танимади ва бу қандайдир бошқа, янги орол бўлса керак, деган қарорга келди. Кўрган ерининг табиатини таърифлаб, унга “Десолейшен”, яъни “Умидсизлик” мамлакати деган номни берди. Шундан сўнг Девис яна икки марта юқори кенгликларга, ҳозирда унинг шарафига номланган бўғозга сузиб борди. Гренландиянинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб 72° 12 ш.к. Баффин Ерининг эгри-бугри қирғоғи бўйлаб сузиб, у Шимолий-ғарбий ўтиш жойи деб ўйлаган, кенг Камберленд қўлтиғига кирди, бироқ “ўтиш жойи”ни иккинчи марта ўрганиб чиқиб, бу ерда бир ёқдан иккинчи ёққа ўтадиган жой йўқлигига иқрор бўлди.

Қўлтиқ ва бўғозларда бўлган пайтларида у кўплаб кит ва тюленларни кўради, унинг сафаридан кейин бу жойлар Англия учун янги, яхшигина даромад келтирувчи кит овлаш саноатини йўлга қўйишга хизмат қилди.

Генри Гудзоннинг Шимолий Американинг шимолий-шарқий қирғоқларига қилган сафарлари ҳам катта аҳамият касб этди. Шимолий-шарқий ўтиш жойининг шарқий томонига Англия кемаларида икки марта самарасиз сузишдан кейин(1607- ва 1608- йилларда), ўша пайтларда янги ташкил қилинган(1602й) Голландиянинг Ост-Инд компаниясига хизматга киришга мажбур бўлади.

1609-йили Компаниянинг топшириғи билан Г.Гудзон Шимолий-шарқий ўтиш жойини излашда давом этиш учун йўлга тушади. Баренц денгизида катта музликларга дуч келгандан сўнг, ортга қайтишга мажбур бўлади. Жанубий-ғарбий йўналишда сузиб бориб, у шимолий Атлантикани кесиб ўтди ва Шимолий Американи 44° ш.к.нинг яқинига етиб борди. Шундан у ғарбий йўналишда Тинч океанига ўтиш жойини топиш учун йўлга тушди, ва илгарироқ Веррациан очган. Ҳозир Гудзон деб аталувчи дарёга етди.

Гудзон ўзининг охириги денгиз сафарига яна Англиянинг Ост-Инд компанияси байроғи остида 1610 йилнинг 16-апрель куни Лондондан чиқди, Гренландиянинг жанубий соҳилларини айланиб ўтиб, олдин Фробишер ўтган бўғоз бўйлаб сузиб, Лабрадорнинг шимолий соҳил бўйини тадқиқ қилиб, Гудзон кенг сув ҳавзасига кирди ва шу ерда қишлаб қолди. Қишловдан кейин у тадқиқотларни давом эттириб, Тинч океанига ўтиш ниятида эди. Бироқ, капитаннинг қаттиққўллигидан норози бўлган экипаж, исён кўтарди. Ҳазилланган исёнчилар капитанни вояга етмаган ўғли ва саккизта касал денгизчи билан, озиқ-овқат ва қуро-яроғсиз шлюпка (қайиқ)га солиб тақдир тақозосига ташлаб кетдилар.

Команданинг Англияга қайтиши ва ғарбга, қитъанинг ичкари қисмигача йўл топилганлиги ҳақидаги хабар “Шимолий-ғарбий ўтиш жойини қидирувчи лондонлик савдогарлар компанияси”ни ташкил қилишга туртки бўлди. Англияда, Гудзон кўлтиғини Шарқий Осиёдан унча катта бўлмаган масофа ажратиб туришига ишондилар. Англиялик савдогарлар Томас Баттон бошчилигида Гудзонни, ва шу билан боғлиқ равишда Шимолий-ғарбий ўтиш жойини қидириб топиш учун экспедиция ҳозирладилар. 1612 йилнинг ёзида Баттон қидирув ишларига киришди. У, Гудзон ва унинг ҳамроҳлари ҳалок бўлган совуқ сувларни текшириб чиқиб, на йўқолганларни, ва на ғарбга ўтиш жойини топа олмади.

1616-йилнинг баҳорида Роберт Байлот ва Вильям Баффинлар Шимолий-ғарбий ўтиш жойини топиш учун Девис бўғози томондан йўлга

чикдилар. Июль ойида улар 78° ш.к. 45° узокликкача чикдилар. Экспедиция томонидан 72° ш.к. ва 76° оралиғидаги Гренландиянинг ғарбий қирғоқлари ва Гренландияни Элстир Еридан ажратиб турувчи Смит бўғози очди. Ўтиб бўлмас музликлар Байлотни ортга қайтишга мажбур қилди. Қайтишда у Элсмир, Девон ва Ланкастер ороллари орасидаги, Девон ва Байлот ороллари ажратиб турувчи Жонсон бўғозларини очди. Кейин кемалар, ўша пайтдан бошлаб, Баффин номи билан аталувчи ерга етдилар.

Шимолий-ғарбий денгиз ўтиш жойининг асосий дарвозаси бўлган, Ланкастер бўғози ёнидан ўтаётиб, Баффиннинг ўтиш жойини топишга бўлган умиди бутунлай сўнди, чунки сув бутунлай муз билан қопланган эди. У пайтларда Баффин географияга оид масалаларда буюк ва обрўли денгизчилардан бири ҳисобланар эди. Шу сабабдан ҳам англияликлар, унинг муваффақиятсизлигидан кейин Тинч океанига олиб чиқувчи, ўтиш жойини излашни давом эттиришдан воз кечдилар. “Шимолий-ғарбий ўтиш жойи Компанияси” бартараф қилинди. Ҳатто инглиз адмиралтейство (флот бошқармаси)си Шимолий-ғарбий ўтиш жойини топиш учун таъсис этган қимматли мукофот ҳам янги изланишларни давом эттиришга ҳеч қимни илхомлантормади. Фақат икки асрдан кейингина ушбу муаммони ҳал қилишга қайтадан уринишлар бошланди.

## **2.6. Шимолий-шарқий йўлни ахтариш ва шимолий қутубнинг ўрганилиш тарихи.**

Европадан Ҳиндистон, Хитой ва хушрўй оролларига олиб борувчи Шимолий-ғарбий йўлни қидиришга уринишлар, айниқса XVI аср бошларида Европа ва Осиё шимолини ювиб турувчи денгизлар орқали Шарққа бориш имкониятини топиш, денгизчи ва савдогарлар диққатини тобора ўзига жалб қила бошлади.

Таъкидлаш жоизки, XVI асрнинг ўрталаригача географларнинг бу денгизлар ҳақидаги тасаввурлари жуда ҳам ноаниқ эди.

Ўша даврнинг хариталарида Европа Гренландия билан бирлашган ҳолда тасвирланар эди. Фақат 1539- йилга келиб, Олай Магнуснинг “илк марта Шимолдаги Скандинавия ҳақиқатга яқин тасвири берилган”<sup>6</sup> харитаси пайдо бўлди. Рус денгизчилари ва денгиз хайвонлари саноатчиларининг узок шимол денгизларида сузганлиги ҳақидаги миш-мишлар, Европа бозорларига Скандинавиянинг шарқий томонларидаги қайсидир шимолий мамлакатлардан келтирилган қимматбаҳо – олмахон, соболь, сувсар мўйналарининг етиб борганлиги билан исботланади. Шунингдек, бундай маълумотларни Москов элчилари ва “москвитлар” ҳузурида бўлган ғарбий европалик элчилар ҳам тасдиқлаганлар.

Буюк князь Василий Иванович даврида, Германия Империяси-дан Московияга элчи бўлиб борганлардан бири Сигизмунд Герберштейн, 1517- ва 1526-йилларда Русга икки марта борган ва ўз кузатишларини “Московитлар иши ҳақида хотиралар” да(1549) баён қилган.

Москва давлатининг майдони Герберштейн тасавурида ўрмонлар билан ўралган, барча йўналишлари катта дарёлар билан кесишган улкан текисликлик сифатида намоён бўлади. У европаликларни кўплаб рус шаҳарлари, мордва, чуваш, вогул каби (Чор Россиясида руслардан бошқа халқларга, хусусан шарқ халқларига берилган ном) қабилалар билан таништирди.

Россиянинг Обь дарёсигача бўлган географик харитаси тузиш, фаолиятининг аҳамиятли жиҳатларидан ҳисобланади. У илгариги хариталарнинг кўпол хатоларини тuzатди, масалан, қадимги грек даврлардан, Рус текисликларини кенг йўналишда кесиб ўтади, деб тахмин қилинган Рипей тоғлари занжиридан воз кечди ва ўз харитасига шимолдан жанубга чўзилган Урал тоғларини кўрсатди.

Шимолда Герберштейн Оқ денгизни муз океанининг бир қисми эканлигини ва Мезен ҳамда Печора дарёлари йўналишини билади; катта Сибирь дарёси – Обь ҳақида эшитган. У рус манбаларидан улар XV асрдаёқ

---

<sup>6</sup> А.Норденшельд. Плавание на “Вега”. Л. .Главсевморпути нашр. 1936, 71-бет.

Оқ денгиздан Ғарбий Европага олиб борувчи денгиз йўли ўзлаштирилганлигини билиб олди.

Шубҳасиз, руслар XIII асрнинг ўрталаридаёқ Мурман қирғоқларида бўлганлар; Новгороддан Мурманга олиб борувчи йўл уларга яхши маълум эди. XVI асрнинг биринчи ярмида Рус шимолида нисбатан кўпсонли аҳоли яшарди: дарёларнинг қуйилиш жойлари, қўлтиқ ва кўрфазларда рус қишловлари, қўноқлари ва манзилгоҳлари жойлашган бўлиб, Оқ, Баренц ва Кара денгизларининг совуқ сувларида ўзларининг пишиқ кемаларида помор(тубжой рус аҳолиси)лар кезиб юришар, у пайтларда Грумант деб номланган Шпицберген, Янги Ер ва Обнинг қуйилиш жойига сузиб боришар эди.

Бироқ, XVI асрнинг бошларида русларга ҳам Обнинг ғарбий томонидаги денгиз таниш эди, ҳолос. Осиёнинг Обнинг шарқий томони ҳақида ерли аҳолидан эшитган баъзи ғира-шира, ноаниқ овозалар маълум бўлган. Бу ҳақида Дмитрий Герасимов хабар беради. У 1525-йили Москва князи Римга юборган элчиларга раҳбарлик қилган. Бу ерда унга қараб туриш учун тайинланган сарой адиби Паоло Иовий ҳамроҳлик қилди ва Россиянинг табиати, одамларнинг турмуш тарзи, аҳолиси ҳақида суриштирди.

Герасимовдан олинган маълумотлар асосида у “Москванинг буюк подшоҳи Василийнинг папа Климент VII ҳузурига юборилган элчилари ҳақида китоб. Унда мамлакат ҳолатининг аниқ тавсифи, қадимгиларга маълум бўлмаган дин ва халқнинг урф-одатлари ва элчиларнинг келиш сабаблари баён қилинган” асарини ёзди.

Китоб 1525-йили Геоасимов ҳали Римда бўлган пайтда чоп этилди ва кейин кўп марта қайта нашрдан чиқди. Ундан олинган парчалар Герберштейнда бўлган. Кўринишича, Паоло Иовий Дмитриий Герасимовдан Шимолий денгиз йўли орқали Хитойга бориш имкониятларини махсус сўраб-суриштирган.



Иовийнинг кўплаб тилларга таржима қилинган ушбу китоби, Хитой ва Ҳиндистонга олиб борувчи денгиз йўллари хақида орзу қилган европаликларда катта таассурот қолдирди.

“Моҳиятан ушбу китоб Россиянинг табиий ва иқтисодий географияси хақида Ғарбий Европадаги илк китоб бўлиб, унинг асосий муаллифи деб Дмитрий Герасимовни ҳисоблаш керак, чунки, кўринишича, Иовий унинг хабарларидан ташқари бошқа ҳеч қандай манбага эга бўлмаган. Бу Д.Герасимов XVI асрнинг ажойиб рус географи бўлганлигидан далолат беради. У Паоло Иовиянинг китоби орқали, биринчилардан бўлиб XVI аср бошларида Ғарбий Европа олимлари доирасига Шимолий-ғарбий ўтиш жойи хақидаги ғояни олиб кирди”<sup>7</sup>.

Айнан Дмитрий Герасимовнинг “Хитой мамлакатига кемаларда бориш мумкин” деган хабари, инглиз савдогарлари ҳамда ишбилармонларга туртки бўлиши, ва уларни Себастьян Каботнинг маслаҳати ва бевосита фаол иштироки билан 1548-йили “Мамлакатлар, ерлар, ороллар, давлатлар ва, ҳатто денгиз йўли билан ҳам борилмаган номаълум ўлкаларни кашф этиш учун савдогар-ишбилармонлар Жамияти”ни, кейинчалик “Москва компанияси” номи билан танилган, жамиятни тузиш сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Жамиятнинг биринчи вазифаси, Себастьян Кабот ишлаб чиққан лойиҳа бўйича Европа ва Осиёни шимол томондан айланиб ўтиб, Ҳиндистонга олиб борувчи Шимолий-ғарбий ўтиш йўлини излаш эди.

Инглиз савдогарлари “Жамияти” томонидан Хью Уиллоуби бошчилигида, истеъдодли денгизчи Ричард Ченслор ёрдамчи бўлган учта кемадан иборат экспедиция сафарга тайёрланди. 1553-йилнинг май ойида кемалар Англиядан чиқдилар ва, Норвегиянинг шимолидаги Нордкап бурнига етмасдан, уларни ажратиб юборган кучли бўронга дуч келдилар. Уиллоуби ва яна бир кема шарққа томон сузишда давом этиб, бир ерга дуч келдилар. Ҳозиргача бу қайси ер эканлиги аниқ эмас: бу ёки Янги Ер, ёки

---

<sup>7</sup> М.С.Бондарский. Очерки по истории русского землеведения. АН нашр. М-Л, 1948. 24-25-бет.

Колгуев ороли бўлган. Ортга қайтган Уиллоуби Кола ярим оролига етиб келди. 18-сентябрда ҳар икки кема Нокуев қўлтиғига кириб, шу ерда қишлаб қолди. 1554 йилнинг қишида рус поморлари кемалар ва совуқдан музлаб қолган экспедиция аъзоларини топдилар.

Ченслор бошчилигидаги учинчи кема эсон-омон Оқ денгизга етиб борди ва ҳозирда Архангельск шаҳри жойлашган Шимолий Двинанинг қўйилиш жойига чиқди. Ченслор бу ерлар Москва подшосига қарашли эканлигини билди ва шу захотиёқ савдо шартномаси тузиш мақсадида ва Оқ денгиз орқали Россия билан денгиз савдоси олиб бориш ҳуқуқини олиш учун Англиянинг вакили сифатида Москвага йўл олишга қарор қилди.

Россияда бу пайтда, яқиндагина Қозон хонлигини бўйсундирган Иван IV подшолик қилар эди. Москва подшолиги инглиз молларини сотиш учун жуда қулай бозор эди. 1554-йилнинг кузида Ченслор Англияга қайтди. Унинг сафари натижасида Англия ва Москва ўртасида дипломатик ва савдо алоқалари ўрнатилди. Шу пайтлардан бошлаб, узоқ вақтлар давомида Скандинавия ва Кола ярим ороли атрофидан ўтувчи шимолий йўл, Фарбий Европани Россия билан боғлаб турувчи асосий, магистраль савдо йўлига айланди.

“Москва компанияси”( савдогар-ишбилармонлар Жамияти энди шундай номлана бошлади) Хитой ва Ҳиндистонга олиб борувчи Шимолий-шарқий ўтиш йўлини қидиришда давом этди. Уиллоуби ва Ченслорларнинг экспедициясидан кейин, 1556-йили Ченслорнинг кемасида катта штурман бўлиб хизмат қилган Стивен бошчилигида денгиз сафари тайёрланди.

Экспедицияни йўлга ҳозирлаган инглиз савдогарлари, руслардан эшитган Обь дарёси орқали, Осиёнинг марказига, “Катай”га етиб боришга умид боғлаган эдилар. У пайтларда Обь билан Иртиш, Герберштейннинг харитасида кўрсатилган “Катай кўли”дан бошланади, деган хато тасаввурга эга эдилар. Қайси кўл назарда тутилгани ҳозиргача аниқланмаган. Герберштейн ва унинг замондошлари, номларининг оҳангдошлигига қараб, у Хитойда жойлашган деб ўйлаганлар ва агар кемада Обь дарёсида сузиб

борилса, Хитойнинг ичкарасида жойлашган пойтахти Қумбалиқ (Пекин)қача айтарли қийинчиликсиз етиб борса бўлади, деб ўйлаганлар.

1556-йилнинг баҳорида Барроу эсон-омон Кола кўрфазига етиб олди. Асосан қирғоқ бўйлаб, аста-секинлик билан шарқий йўналиш бўйлаб сузган Барроу Канин бурнига, кейин Колгуев ороли ва Печоранинг этагига яқинлашди. Шу жойдан очик денгизга чиқиб, “музлар даҳшатли тўпланиб қолган” тўсиқлардан ўтиб, қандайдир номаълум ерга чиқди. Йўлда учраган рус денгизчилари, бу Янги Ер эканини айтишди. Бундан ташқари, Лошак лақабли бир рус Барроуга “Обга бориш йўллари ҳақида баъзи кўрсатмаларни берди”. Шундай кейин Барроу Вайгач оролига(бу номни ҳам у руслардан эшитди ) яқинлашди ва Югор Шари орқали Кара денгизига ўтишга ҳаракат қилиб кўрди, бироқ “доимий эсиб турувчи шимолий-шарқий ва шимол шамоллари..., кўрқувга солувчи музларнинг кўплиги,.. бўронли қишнинг яқинлиги” уни ортга қайтишга мажбур қилди.

“Барроу ўзининг денгиз сафари ҳақида қизиқарли ҳисобот тайёрлади. У русларга илгаридан маълум бўлмаган ҳеч бир янги ерни кашф қилмади, бироқ унинг ҳисоботи, Фарбий Европа адабиётида биринчи марта Шимолий Муз океанида сузиш шароитлари ҳақида маълумот беради: Барроудан Арктика ҳақидаги Фарбий Европа илмий адабиёти бошланди ”<sup>8</sup>.

1580-йили инглиз савдогарлари Шимолий-шарқий ўтиш жойини топиш учун яна битта экспедиция ҳозирладилар. У унча катта бўлмаган икки кемадан иборат бўлиб, тажрибали денгизчилар бўлган Артур Пет ва Чарльз Жекменлар раҳбарлик қилдилар. Ушбу экспедиция русларга яхши маълум бўлган, Югор Шари орқали Кара денгизининг шимолий-ғарбий қисмига ўтишга эришди, бироқ катта музликлар тўпланган жойлар учрай бошлаганлиги туфайли, денгизчилар орқага қайтишга мажбур бўлди. Жекменнинг кемаси йўлда ном-нишонсиз йўқолди.

Шундан кейин Шимолий-шарқий ўтиш жойи инглизларни қизиқтирмай қўйди, бироқ XVI асрнинг охирида голландлар уни қидиришга

---

<sup>8</sup> И.П.Магидович. Кўр.асар.273-бет.

бел боғладилар. Бу вақтга келиб, Голландия испанларга бўлган тобеликдан кутулиб, кучли денгиз давлатига айланган эди.

Инглизлар каби голландлар ҳам Россия билан мустаҳкам савдо ва сиёсий алоқаларни тиклашга ҳаракат қилдилар. Улар руслар билан Оқ денгизнинг Мурман қирғоқларида ва Печора ўлкасида қизгин савдо олиб бордилар. Шарққа олиб борувчи йўллари топишга ўз даврининг машҳур географ-картографи Герард Меркаторнинг, Обнинг қуйилиш жойига бориш ва ундан Хитойга етиб олиш, инглизларнинг мувафакқиятсизликларидан кейин туюлгандек, жуда иложсиз эмас, деган гаплари ҳамда маслаҳатлари далда бўлди.

Голландияликлар 1594-йили таркибида тўрт кема бўлган нуфузли арктик экспедицияни тайёрлашга маблағларини аямадилар. К.Най ва Б. Тетгалес бошчилигидаги икки кема Кара денгизига Вайгач ёнидаги бўғозлардан бири орқали; Виллем Баренц икки кема, Янги Ернинг шимолий қирғоқлари айланиб ўтишлари керак эди.

Биринчи икки кема фақатгина Кара денгизига кира олди, ҳолос. Кейинги кемалар Янги Ерга Қуруқ Бурун бурни ёнидан ғарбий қирғоқ бўйлаб сузиб, Баренц Муз бурни деб ном берган(ҳозирги Карлсен бурни), унинг энг шимолий бурнигача етиб борди. Шу пайтгача ҳеч бир Ғарбий европалик денгизчи шимолга бу қадар кириб бормаган эди.

Янги Ер қирғоғи ёқалаб қайтган Баренц, Матвей оролигача етиб борди, шу ерда бошқа икки кема билан учрашиб, биргаликда ватанларига қайтишди.

Баренц қатнашган иккинчи экспедиция, 1595-йили ташкил қилинди. У мувафакқиятсизликка учради. Кемалар Кара денгизда узоқ суза олмади, кети узилмайдиган музликлар йўлни тўсиб қўйганлиги сабаб ортга қайтишга мажбур бўлдилар. Бу мувафакқиятсизликдан кейин, Голландия ҳукумати экспедицияни давлат ҳисобидан молиявий таъминлашдан воз кечди. У фақат Шимолий-шарқий ўтиш жойини топганга юксак мукофот таъсис қилди, ҳолос. Бу амстердамлик савдогарларни қизиқтириб қўйди ва улар икки кемадан иборат бўлган янги экспедицияни жиҳозладилар.

Бош штурман қилиб Виллем Баренц тайинланди. Экспедиция 1596-йилнинг май ойида Амстердамдан сузишга отланди. Шу пайтгача сузилган йўлдан ғарброқ йўналишни танлаган экспедиция, оқ айиқ ўлдирилган оролгача етиб борди. Ушбу ходиса шарафига бу ерга Айиқ ороли деган ном берилди. Шарқий томонга оғиб шимолга сузишда давом этган голландлар, Гренландиянинг бир қисми деб тахмин қилишган яна бир қуруқликка деч келдилар. Бу мамлакатнинг муз билан қопланган тоғлари, деярли қирғоқдан бошланар эди. Голландлар мамлакатнинг бир қисмини айланиб ўтдилар ва унга Шпицберген, яъни “ўткир чўққили тоғлар” деб ном қўйдилар. Ҳақиқатда бу Гренландия эмас, Ғарбий Шпицберген қирғоқлари эди.

Ушбу ороллар қирғоқларида сузган кемалар, Айиқ оролига қайтиб бордилар ва иккига ажралдилар: Баренц ўз кемаси билан шарққа, иккинчи кема эса яна шимолга қараб йўл олди. Июль ойининг ўрталарида Баренц Янги Ерга етиб борди ва шимолдан айланиб ўтиш мақсадида, унинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб сузиб кетди. Бир ойдан кейин у Янги Ернинг Шимолий-шарқий чеккасига етиб борди, олдинга ўтишнинг имкони бўлмаганлиги сабабли, “Музли бандаргоҳда” қишлаб қолди. Бу ғарбий европаликларнинг Арктикада биринчи марта қишлаб қолишлари эди.

1597-йилнинг июнида экспедиция қишлоғи тарк этиб, Музли бурунни айланиб ўтиб, жанубга қараб йўл олди. Оғир касалликдан кейин Баренц йўлда вафот этди. Кеманинг қолган аъзолари 1597-йилнинг 1-ноябрида Амстердамга кириб келди.

Баренц бўлган Шпицбергенни биринчи бўлиб, денгиз ови билан шуғулланувчи норвег Эллинг Карлсен, 1863-йили ўзи айланиб чиққан. Унинг ўзи 1871-йили Янги Ерни шимол томондан айланиб ўтди ва оролнинг шарқий қирғоқларида Баренцнинг лагери ҳамда сақланиб қолган нарсаларини топди. Кейинроқ (1876-йили) инглиз Гардинер томонидан қулаб тушган уйча харобалари остидан, география тарихи учун муҳим аҳамиятга эга бўлган, Баренцнинг ҳисоботи топилди.

Баренцнинг сузишлари Арктикани тадқиқ қилишга катта ёрдам берди. Баренцнинг ўзи нафақат фавқулотда қобилятли денгизчи, шунингдек, ажойиб кузатувчи ҳам бўлган.

“Голландлар 1596-1597-йилларда Музли бандаргоҳда олиб борган об-хаво кузатувлари, нафақат Арктикада, шунингдек, Россияда ҳам олиб борилган биринчи метеорологик кузатишлар эди”<sup>9</sup>. Баренц томонидан қутб мамлакатларининг қизиқарли харитаси тузилган бўлиб, унда Колгуев ороли ва Ягни Ернинг ғарбий қирғоқлари кўрсатилган. Печорадан ғарброкдаги кенг қўлтиқнинг ичкарасида Сибирь шаҳри кўрсатилган. Обь “Жанубий денгиз”дан оқиб чиқади; шарқда, эхтимол, руслар айтган бўлиши мумкин, шимол томонга анчайин туртиб чиққан Табин(Таймир?) бурни кўрсатилган, унинг ортида эса Осиё ва Америка оралиғидаги Аниан бўғози ётади. Шундай қилиб, Баренц асосли равишда Евроосиё қитъасини Шимолий Муз океани сувлари ювиб туради ва Осиё Америка билан боғлиқ эмас, деб тахмин қилган.

XVII асрнинг бошларида инглизларнинг “Москва компанияси” яна бир неча бор Шимолий-шарқий ўтиш жойини топишга ҳаракат қилиб кўрди. У Шимолий Қутб орқали Япония ва Хитойга ўтиш жойини топиш учун Гудзонни хизматга чақирди.

1607-йилнинг майида Гудзон Темзанинг қуйилиш жойидан сузиб кетди ва Гренландиянинг шарқий қирғоқлари бўйлаб юриб, 73° ш.к. яъни кейинчалик Гудзон номи билан аталган туртиб чиққан жойга чиқди. Бу ердан у очик денгизга чиқиш мақсадида, шимол-шимол-шарқ томонга йўл олди, тарихда биринчи марта Шпицберген ёнида 80° 23 ш.к. етиб борди, бироқ кемани музликлар сиқиб қўя бошлагач, Лондонга қайтишга мажбур бўлди.

1608-йили Гудзон иккинчи марта шарққа томон сузиб чиқди. У Янги Ернинг жанубий-ғарбий соҳилига етиб борди; оролни шимол томондан айланиб ўтишга қилинган ҳаракат натижа бермади. Шунингдек, Кара дарвозасидан ҳам ўта олмади. Қутбдан ўтиб бўлмаслигига ишонч ҳосил

---

<sup>9</sup> В.Ю.Визе. Моря Советской Арктики. Главсевморпути нашр, М-Л., 1948, 31-бет.

қилган ва ягона йўл Вайгач ороли ёнидан бўлиши мумкин, деган қарорга келган Гудзон Лондонга қайтди.

Гудзоннинг омад келтирмаган сафарларидан кейин, “Москва компанияси” Ҳиндистонга олиб борувчи, Шимолий-шарқий ўтиш жойини топишга бўлган барча уринишларни XVII асрнинг охирларида қидирув ишлари узок муддатга тўхтаб қолди. Шундай қилиб, чет элликларнинг Ҳиндистонга олиб борувчи ўтиш жойини топишга бўлган кўплаб уринишлари самара бермади. Вақтлар ўтиб, ўтиш жойини топиш ғоясидан умуман воз кечдилар.

Шундай бўлсада, ҳозирда Баренц номи билан аталаётган денгиз номи ўзгартирилди. Унинг бундай ном билан аталиши биринчи марта 1853-йили немис географи А.Петерманнинг харитасида учрайди. Бунгача руслар уни Мурман, баъзан Москва ва кўпроқ Жуда совуқ(Муздай) денгиз деб айтганлар. Биринчи номланишни биз XVI-XVII асрларга оид чет эл хариталарида топамиз. У масалан, голланд географ-картографи Г.Меркаторнинг 1594- йилдаги харитасида учрайди, бундан ташқари унинг “Печора денгизи” деган номи ҳам бўлган.

Шу тариқа юқоридаги кўп давлатлар сайёхлари шимолий қутубнинг кўп ҳудудларида бўлиб, уни географик ўрганиш тарихига муҳим ҳисса қўшганлар. Аммо бу ерларда географик тадқиқотлар олиб бориш ишлари XIX асргача тўхтаб қолган.

## ХУЛОСА

XV-XVII асрларда Осиё материгини географик ўрнининг ривожлантириш даврларида Осиё материгини кўп ҳудудларнинг географик ўрганиш ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўрта Осиёда темурийлар ҳукумронлиги даврида (XIV аср охири ва XV аср) марказлашган давлатнинг вужудга келиши ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маданий ҳаётнинг ривожланиши учун бир мунча қулай шароит яратди. Бевосита Амир Темур даврининг ўлка географиясига энг баракали ҳисса қўшган вакили Ҳофиз Абрудир. Унинг асарлари муҳим умумгеографик ва ўлкашунослик аҳамиятига эга.

Атоқли астраном ва маърифатпарвар олим Улуғбек ҳокимияти йиллари (XV асрнинг биринчи ярми), Абдураззақ Самарқандий ва Улуғбек, Али-Кушчи, З.М.Бобурлар: бу даврнинг энг йирик номоёндаларидан ҳисобланади. Чунончи, З.М.Бобурнинг “Бобурнома” асари географик фикрларнинг теранлиги, табиат тасвирининг равонлиги, фактик материалларга бойлиги, умуман географик моҳияти жиҳатдан ўз даврининг энг юксак асаридир. Қиёсий географик тасвирлаш усулининг илк намуналаридан бўлган бу асар муҳим географик ғоя ва умумлашмаларга бой хатто унда бир қанча табиий географик қонуниятлар ҳам қайд қилинган. Булар табиатнинг таркибий қисмлари (компонентлари) ўртасидаги ўзаро алоқадорлик, табиатнинг ўзгарувчанлиги, ҳудудий тафовут қонуниятлари ўз аксини топган.

Бу даврда Ўрта Осиёлик буюк алломаларимизни бу борадаги ҳиссалари алоҳида аҳамиятга эга бўлган-ки у алломаларимизни тадқиқотлари натижасида бу ҳудудни рус тадқиқотчилари ўрганишни бошлади. Натижада кам ўрганилган ва айниқса бориш қийин бўлган ҳудудларга ҳам рус тадқиқотчилари кириб бордилар ҳамда бу ҳудудни географик жиҳатдан ўрганишга бўлган қизиқиш кучайди.

Рус тадқиқотчилари ҳам ўзлари тадқиқот олиб борган ҳудудларни фақат ёзма равишда ўрганиш билан чекланмай, улар ўзлари бўлган ҳудудларни чизма, схема, план тарзда ҳам акс эттирдилар. Уларни бундай



хар-хил чизмалари, схемалари кейинчалик географик карталарни пайдо бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундай қилиб XV-XVII асрлар давомида Осиё материгининг тарихий жихатдан ўрганиш кейинги даврларда бу ҳудудларни мукамал ўрганишга замин бўлди. XVII асрда Осиёнинг шимолий ва ғарбий қисмлари илк бор рус карта-схемаларида тасвирланди.

## ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

1. И.А.Каримов Хоразм “Маъмун Академияси”нинг 1000 йиллигини нишонлашда сўзлаган нутқи. Маърифат газетаси 2006 йил.
2. Бессенова Б. История географические изучение Казакистан. Алматы 1972
3. Баратов П., Маматқулов А., Рафиқов., Ўрта Осиё табиий географияси. – Тошкент 2002.
4. Обидов У. Мактаб ўлкашунослиги. Услубий қўлланма. – Фарғона, 2001.
5. Обидов У. Тарихий география (тарих йўналиши учун). Маърузалар матни. Фарғона, 2004.
6. Обидов У. Тарихий географиядан услубий қўлланма. – Фарғона, 2006.
7. Обидов У. Шаҳарлар географияси. Услубий қўлланма. – Фарғона, 2004.
8. Обидов У., Жабборов А. Мактаб ўлкашунослигидан услубий қўлланма. Фарғона, 2003.
9. Расулов М. Ўрта Осиё табиатшунослик фанлари тарихи. - Тошкент, 1985
10. Раҳимбеков Р. ва бошқалар. Ўрта Осиё табиатини географик ўрганиш тарихи. – Тошкент, 1981
11. Умрзақов С. Қирғизистоннинг географик ўрганилиши. Фрунзе 1964.
12. Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. -Тошкент, 1981.
13. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиёлик географ сайёҳлар. – Тошкент, 1964.
14. Ҳасанов Ҳ., Бўриев О. Ал-Хоразмий географияси. -Тошкент, 1983.
15. [www.nationalgeography.com](http://www.nationalgeography.com)
16. [http:// WWW.une.org](http://WWW.une.org)
17. <http://aie.riis.ru/>
18. <http://web.ido.ru>
19. <http://www.detc.org/>
20. <http://www.iie.ru/>

## МУНДАРИЖА.

Кириш .....

### **I БОБ. XV АСР ГЕОГРАФИК БИЛИМ ВА ТАДҚИҚОТЛАР.....**

1.1. Даврнинг қисқача умумий ижтимоий тарихий тавсифи.....

1.2. Абдураззақ Самарқандий (1413-1482 йй.).....

1.3. Мирзо Улуғбек (1394-1449 йй.).....

1.4. Али Қушчи (1403-1474 йй.).....

1.5. Заҳириддин Муҳаммад Бобур.....

1.6. Муҳаммад Ҳайдар Мирза .....

### **II БОБ. XV АСР ОСИЁДА ГЕОГРАФИК БИЛИМЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....**

2.1. Даврнинг қисқача умумий ижтимоий-тарихий тавсифи .....

2.2. Марко Поло саёҳати ва унинг география фанининг ривождаги ўрни.....

2.3. Русларнинг Шарқий Европа ҳақидаги географик билимлари.....

2.4. Рус халқларнинг шарқий Европанинг шимолий қисмининг очиши ва  
Сибирга илк сафарлар (XII-XV асрлар) .....

2.5. Шимолий-ғарбий йўлини ахтариш.....

2.6. Шимолий-шарқий йўлини ахтариш ва шимолий қутубнинг ўрганилиш  
тарихи.....

### **ХУЛОСА.....**

### **Фойдаланилган адабиётлар.....**